O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 1 октябрь, жума № 118 (2006).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ

● Пятница, 1 октября, 2004 г. № 118 (2006).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз пойтахтидаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали — 2004» мусобақалари бошланди. У Маданият ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, республика Бадиий гимнастика федерацияси, Миллий Олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Осиёда биринчи марта ўтказилаётган мазкур турнирда дунёнинг 12 мамлакати — Озарбойжон, Беларус, Грузия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой (Тайпей), Малайзия, Польша, Россиядан спортчилар қатнашмоқда. Мамлакатимиздан эса беш гимнастикачи — халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева ва Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина, спорт усталигига номзодлар Рита Алимова ва Раъно Муҳаммедова. Уларнинг номлари бугунги кунда хорижда яхши таниш.

... «Ўзбекистон» спорт мажмуи спортнинг энг гўзал турларидан бири — бадиий гимнастика ихлосмандлари, турнирга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар билан тўлган. Спорт мажмуи рангбаранг байроқлар, гуллар ва шарлар билан байрамона безатилган.

Халқаро гимнастика федерациясининг бадиий гимнастика бўйича техник қўмитаси президенти Эгле Абруцини бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи «Шарқ гўзали — 2004» мусобақалари иштирокчиларни турнирнинг бошланиши билан табриклади. У Халқаро гимнастика федерацияси номидан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистонда спортнинг бу турини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор, «Шарқ гўзали — 2004» мусобақалари юксак даражада ташкил этилгани ва ўтказилаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси президенти Л. Каримова турнирни очиқ деб эълон қилди.

Мамлакатимиз спорт шарафи йилдан йилга юксалиб бормоқда. Жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, бошқа халқаро мусобақаларда юксак совринларни қўлга киритаётган ўзбек спортчиларининг жасорати ёш авлодни янги галабаларга ундамоқда. Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинларида қўлга киритилган ютуқлар — икки олтин, бир кумуш ва икки бронза медали спортчиларимизнинг маҳорати ошаётганидан яна бир далолатдир. Олимпиадада иштирок этган 202 мамлакат орасида Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 34-ўринни эгаллади.

Буларнинг ҳаммаси — мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилаётган улкан эътибор, ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом тарбиялашга қаратилган давлат сиёсати самарасидир. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш тизими ишлаб чиқилди. У мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг «Университада» мусобақаларини ўзида мужассам этган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига кўра, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

...Майдонга рақс жамоалари, таниқли хонандалар кириб келади. Ёркин, рангбаранг томошани республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш гимнастикачиларнинг чиқишлари янада безайди.

Мамлакатимизда бадиий гимнастикага оид анъаналар ўтган асрнинг 40-йилларига бориб тақалади. 1956 йилда биринчи республика мусобақалари — Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Ўзбекистон бадиий гимнастика мактаби бутун дунёга танилган. Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Яна Батиршина каби кўплаб машҳур спортчилар Ўзбекистон заминида улғайган. Мустақиллик йилларида бадиий гимнастикага қизиқиш ва эътибор янада ортди. Нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган кўплаб спорт иншоотлари қад ростлади. Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятларида ёш гимнастикачиларни тарбиялаш борасида ўз услубига эга мактаблар пайдо бўлди.

Жаҳон кубоги босқичининг мазкур мусобақалари Халқаро гимнастика федерацияси қоидаларига мос ўтказилмоқда. Унинг дастуридан кўпкураш, якка ва гуруҳ машқлари жой олган.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Азизхўжаев, С. Иномова иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
З. ТОШХЎЖАЕВ,
Қ. ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалда

Бишкекда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. У ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг шу йил 17 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида эришилган шартномалар бажарилишининг мантиқий давоми бўлди.

Мажлисда ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий сармоявий, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳукуматлар раҳбарлари олти давлат вазирликлари ва идораларининг ШҲТ доирасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ижобий баҳолашди.

Қабул қилинган қарорларга биноан электрон савдо, божхона ҳамкорлиги, техникавий регламентлар, андозалар ва мувофиқлик тартибини жорий қилишдаги ҳамкорлик, транзит салоҳиятини ривожлантириш ва сармояларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус ишчи гуруҳлари фаолият кўрсата бошлади.

Ҳукуматлар раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш тадбирлари режасини тасдиқлашди. У иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини қамраб олган. Режа юздан ортиқ аниқ лойиҳалардан таркиб топган ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш механизмларини назарда тутади. ШҲТга аъзо давлатларнинг асосий саъй-ҳаракатлари товарлар, капиталлар ва технологияларнинг эркин ҳаракати учун шарт-шароит барпо этиш, биргаликдаги норматив-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва тегишли қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришга қаратилади.

Ҳукуматлар раҳбарлари ташкилотнинг Тараққиёт жамғармаси ва Ишбилармон кенгашини тузиш ҳамда интернет тармоғида ШҲТ веб-сайтини очиш тўғрисида қарор қабул қилишди.

ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини кейинги йил иккинчи ярмида Москвада ўтказишга келишиб олинди.

Баҳодир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Миномётчилар батареяси сардори катта лейтенант Суннатилла Омонов дала-ўқув машғулотларида аскарлар олган назарий билимларини амалиётга қай даражада татбиқ қилаётганига пухта эътибор беради. Ҳар бир ҳаракат ёхуд ҳолат унинг назаридан қочиб қутилолмайди. Жонкуяр командирнинг ўта синчковлигига посбонлар аллақачон кўникиб кетишган. Бу нарса ўз ўрнида ундан ўрнак олишга ундайди. Шунинг учун ҳам ёш аскар йигитлар маҳоратли командирлари билан ҳақли равишда фахрланишади.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Илғор посбон қутлови

Навоий гарнизонида хизмат бурчини ўтаётган оддий аскар Қаҳрамон Усмоновни бизга ҳарбий жамоанинг етакчи посбони сифатида таништиришди. Шижоатли хизмати билан командирлар ишончини қозонган сирдарёлик ўғлонни суҳбатга тортдик.

— Мен хизматнинг дастлабки синовларида у қадар қийналмадим, — дейди посбон саволларимизга жавоб берар экан. — Бунга биринчи сабаб ҳарбий хизматга бўлган иштиёқимнинг ўта баландлиги бўлса, иккинчи томондан ёшликдан спортга меҳр қўйганим ва ўрта мактабда эгаллаган билимим самараси деб ўйлайман. Чунки тарихини чуқур билган, юртининг келажаги билан қизиққан инсон Ватанига сидқидилдан хизмат қилади. Бундай эзгу хислатга эга бўлишимизга эса аввало бизга билим берган устозларимиз сабабчидир. Шунинг учун мен хизматда эришган ютуқларимнинг биринчи эгалари бўлган барча устоз-мураббийларимни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлайман ва ўз миннатдорчилигимни етказишларингизни сўрайман.

Илғорлар сафида йигитлик бурчини ўтаётган шогирдингиз табриги сизга, азиз устозлар!

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● РЕСПУБЛИКА ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ҳамкорликдаги тадбир

Республика ҳарбий прокуратураси, округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратура ходимлари, Республика МҲХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда «Чегара постларида назоратни кучайтириш ва ҳар қандай кўринишдаги чегара бузилиши ҳолатларининг олдини олиш»га қаратилган бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Тошкент вилоятининг Қозоғистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош туманларида яшовчи аҳолиси ўртасида ўтказилган тадбир бунга яққол мисол бўлади. Унда асосан Ўзбекистон Республикаси «Давлат чегараси ҳақида»ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги қарорига биноан, республика ҳудудига ноқонуний йўллар билан хорғ ж маҳсулотларини олиб кираётган шахсларга ҳомийлик қилиб, чегара қўшинлари хизматчиларига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакилларига ташвиш туғдираётган ҳуқуқбузарларга нисбатан профилактика ишларини олиб бориш юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозиргача юқорида қайд этилган режа асосидаги тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларидаги чегарадош ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида ўтказилди.

Адлия майори
Аслам ХОЛНҚОВ.

● НАВСТРЕЧУ ИТОГОВОЙ ПРОВЕРКЕ

«БОЕВОЕ КРЕЩЕНИЕ» ЛЕЙТЕНАНТА

Для выпускника ТВОКУ 2004 года лейтенанта Сухроба Сулейманова, назначенного заместителем командира мотострелкового взвода по воспитательной работе, недавнее показное взводно-тактическое учение (ВТУ) с боевой стрельбой стало первым «боевым крещением» в новой должности.

Взводу под командованием старшего лейтенанта Акмаля Махкамова предстояло показать свое огневое мастерство перед командирами батальонов и заместителями командиров по боевой подготовке воинских частей Юго-Западного особого военного округа. Конечно, личный состав готовился очень старательно, но перед такой взыскательной и внимательной аудиторией могли бы растеряться не только солдаты и младшие командиры, но и сам молодой лейтенант, делающий первые шаги на пути своего офицерского становления.

Отрадно, что этого не произошло, а показное ВТУ вызвало добрые отклики не только наблюдателей, но и представителей вышестоящего штаба. В соответствии с требованиями руководящих документов были развернуты учебные точки для отработки занятия по теме «Взвод в обороне», да и все остальные основные требования к проведению ВТУ были в целом выполнены. Естественно, строгими проверяющими выявлялись отдельные недостатки и упущения, которые с ходу устранялись под контролем опытных офицеров штаба округа.

На этапе боевых стрельб из стрелкового оружия возросший уровень подготовки показали воины группы огневой поддержки под коман-

(Окончание на 2-й стр.).

● ЖАНГОВАР ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

ҲАР ЮРАКДА ВАТАН МЕҲРИ БОР

АЛОҚА ВА АЛОҚАЧИ

Алоқани бекорга қон томирларига қиёслашмайди. Замонавий жанговар санъатни ана шу «қон томирлари»сиз тасаввур қилиш мушкул. Даврлар, йиллар ўтган сари алоқа усуллари ҳам мураккаблашиб, такомиллашиб бормоқда.

Жанговар машқларда вазият ҳақида ахборот бериш, буйруқ ва кўрсатмаларнинг ўз вақтида тарқалишини алоқачилар таъминлаб берадилар. Машқ майдонидаги муваффақият кўп томонлама уларга ҳам боғлиқдир.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фурқат Умаровни ҳарбий жамоада моҳир алоқачи сифатида яхши биладилар. Ўз ишининг билимдони ҳақида гуруҳ командири вазифасини бажарувчи лейтенант Санжар Эргашев шундай дейди:

— Фурқат Умаровда бугун кичик командирлардан талаб қилинадиган барча сифатлар мужассам. Интизомли, топшириқларни беқаму кўст уддалайди. Мураккаб вазиятларда ўзини йўқотмаслиги, сафдошлари учун ҳамиша ёрдамга шайлиги сабабли гуруҳда сезиларли ўрни бор. Бундай посбонлар ўз хизматлари билан жамоанинг етакчи ўрин тутишини таъминлайдилар.

Посбон йигит сафдошлари ҳақида гапирар экан, улар орасида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ойбек Киянбоевнинг ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ҳамма бир-бирини тушуниб, керак пайтда бир-биридан ёрдамини аямасдан ҳарбий жамоа обрўси учун астойдил ҳаракат қилади, — дейди посбон Фурқат Умаров. — Поёнига етиб бораётган қизғин дала-ўқув машғулотларида олдинги сафларда бўлиш учун бу жуда муҳимдир.

АНИҚ ЗАРБА — АНИҚ ҒАЛАБА

Бекзод Ҳамроевнинг мутахассислиги — портлатувчи. У ҳам шартнома бўйича хизмат кичик сержанти. Кичик командир жанговар ўқув машқларида берилган вазифани аниқ ва тез бажариши туфайли гуруҳнинг илғорларидан саналади.

Ўқув машқларида шартли душман жойлашган ҳудуднинг муҳим нуқталарига аниқ зарба беришда унга тенг келадиганлар камдан-кам топилади.

— Замонавий жанг санъати — бу ўз-ўзидан замонавий техникалар, дегани ҳамдир, — дейди Бекзод Ҳамроев. — Мутахассис офицерлар кўмагида замонавий ҳарбий техника воситаларини ақл изига бўйсундиришни синчиклаб ўргандик. Сафдошларим билан бажараётган ҳар бир аниқ ҳаракатимиз устоз командирлар саъй-ҳаракатининг самарасидир.

ҲАҚИҚИЙ МЕРГАН

— Баракалла, Исмоилов, ҳақиқий мерган мана шундай бўлади! — гуруҳ командири лейтенант Адҳамжон Мирзалиевнинг ҳаяжонли хитобини барча баробар эшитди.

Ёш, изланувчан, ғайратли офицернинг қўл остидагиларга таъсири катта. Кучғайратга тўлиб-тошган ёш офицер кичик командирларнинг аҳил, уюшган, ҳар томонлама етукликка интилган, ўзаро соғлом муносабатларини қадрлайди. Улар орасида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Нурматжон Исмоилов алоҳида ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда).

● ПОДПИСКА-2005

К читателям газеты „Ватанпарвар“

В республике началась подписка на периодическую печать на 2005 год, в том числе и на газету «Ватанпарвар».

В нашей газете широко и всесторонне отражается жизнь и боевая деятельность частей и подразделений Вооруженных Сил, публикуются материалы, отражающие основные вехи военной реформы, печатаются статьи о воспитании воинов-узбекистанцев в духе патриотизма, любви к Родине и готовности к ее защите.

Также в «Ватанпарваре» вы всегда можете узнать о достижениях Узбекистана в экономике, культуре, образовании, других сферах общественно-политической жизни.

Подписка принимается во всех почтовых отделениях ГАК «Узбекистон почтаси», а также непосредственно в издательстве газеты.

Подписная цена установлена отдельно для каждой области и города Ташкента. Связано это с разными затратами на пересылку и доставку.

Подписная цена в г. Ташкенте:

Для воинских частей, подразделений и учреждений, имеющих абонентский ящик:
1. мес. — 940 сумов;
6 мес. — 5640 сумов;
12 мес. — 11280 сумов.
При подписке на домашний адрес:
1 мес. — 1015 сумов;
6 мес. — 6090 сумов;
12 мес. — 12180 сумов.

Подписная цена в Ташкентской области:

Для воинских частей, подразделений и учреждений, имеющих абонентский ящик:
на 1 мес. — 1412 сумов 40 тийин;
на 6 мес. — 8474 сума 40 тийин;
на 12 мес. — 16948 сумов 80 тийин.

При подписке на домашний адрес:
на 1 мес. — 1521 сум;
на 6 мес. — 9126 сумов;
на 12 мес. — 18252 сума.

Воинские части (учреждения), дислоцированные в г. Ташкенте и желающие получать газету «Ватанпарвар» в издательстве (самовывозом), могут оформить подписку в издательстве.

В этом случае подписная цена будет составлять:
на 1 мес. — 822 сума;
на 6 мес. — 4932 сума;
на 12 мес. — 9864 сума.

Адрес издательства:
г. Ташкент-31, ул. Кунаева, 21.
Ориентир: гостиница «Отель Гранд Мир» (бывшая гостиница «Россия»).
Справки по телефону: 56-03-46.

РЕДАКЦИЯ.

Сайёрамиз саҳоси • Пульс планеты

Власти Боснии и Герцеговины (БиГ) арестовали счета восьми гуманитарных организаций, подозреваемых в финансировании исламских террористических организаций. Об этом сообщило белградское агентство «Танюг» со ссылкой на заявление замминистра госбезопасности БиГ Драгана Мектича. По его словам, правоохранительные органы Боснии и Герцеговины установили, что эти фонды совершали переводы денег террористическим организациям, напрямую связанным с «Аль-Кайдой». В связи с этим были заморожены их счета, на которых числилось несколько миллионов евро.

***

С 30 сентября у въезжающих в США по безвизовому режиму на срок не более 90 дней граждан 15 стран прежнего состава Евросоюза, за исключением Греции, будут в обязательном порядке брать отпечатки двух указательных пальцев и фотографировать. От процедуры снятия отпечатков пальцев и фотографирования будут освобождены лица с дипломатическими паспортами, дети младше 14 лет и пожилые люди в возрасте свыше 79 лет. Вся процедура занимает не более 15 секунд и производится параллельно с проверкой документов въезжающих, отмечают региональные СМИ.

***

США отказали в выдаче виз более чем 60 кубинским ученым, собиравшимся посетить конгресс Научной ассоциации Латинской Америки, который пройдет в Лас-Вегасе в следующем месяце. Об этом сообщила член делегации кубинских академиков Милагро Мартинес. О причинах, по которым ученым было отказано в визах, ничего не сообщается.

***

По последним данным, в результате тайфуна «Меари» в Японии погибли 14 человек, еще 13 считаются пропавшими без вести. Более 60 человек получили ранения. Основной удар стихии пришелся на южную часть страны.

***

Министр иностранных дел Таиланда Суракиат Сатиратай заручился поддержкой стран юго-восточной Азии в качестве кандидата на должность генерального секретаря ООН. Поддержку Суракиату Сатиратаю выразили министры иностранных дел стран АСЕАН в ходе встречи, которая проходила за закрытыми дверями. Полномочия нынешнего генерального секретаря ООН Кофи Аннана истекают 31 декабря 2006 года. Согласно уставу организации следующим главой ООН должен стать представитель Азиатского региона.

***

В одной из больниц Милана пациент умер во время операции, транслировавшейся в прямом эфире. Итальянские врачи проводили операцию на сердце по новой методике без вскрытия грудной клетки, однако в результате осложнений 77-летний пациент скончался. Трансляцию операции в прямом эфире наблюдали хирурги, собравшиеся на международную конференцию в Вашингтоне.

***

По последним данным, не установлено местонахождение 51 заложника из бесланской школы. Об этом сообщил и. о. начальника Управления генпрокуратуры на Северном Кавказе Николай Хазиков. «На сегодня в МВД Северной Осетии имеется 51 заявление от родственников лиц, побывавших в заложниках, о неустановлении их местонахождения», — отметил он.

***

Группа лиц, похитивших три недели назад двух итальянок в Ираке, не входила ни в одну группировку иракских боевиков. Об этом заявила бывшая заложница Симона Торетта.

***

Двое французских журналистов, захваченных ранее в Ираке, будут освобождены на этой неделе. Об этом заявил посредник в переговорах с похитителями Пьер-Жирар-Хотбу, который, согласно его заявлению, встречался с ними. По его словам, иракские боевики требуют для обеспечения своей личной безопасности, чтобы французские власти договорились с США о создании «коридора безопасности» во время передачи заложников.

***

«Аэрофлот» в 2005 году продаваться не будет. Об этом сообщил журналистам зам. главы Минэкономразвития Андрей Шаронов. Такое решение, по его словам, накануне было принято в правительстве.

(По страницам Интернета).

ҲАР ЮРАКДА ВАТАН МЕҲРИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жанговар дала-ўқув машғулотларининг энг фаоллларидан бири бўлган Нурматжон ва унинг ўзи каби эпчил, бургут нигоҳли сафдошларига юқоридагидек ҳурмат ва ҳаяжонли хитоб кузатувчилар томонидан қизғин машқларда бот-бот янграли.

— Шарафли касбга болалигимдан эътиқод қўйганман, — дейди Нурматжон Исмоилов. — Эътиқод билан бажарилган хизмат ҳамма вақт кўпчиликнинг назарида бўлади. Сафдош дўстим шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Эркин Жабборов билан мавсумда энг яхши натижаларни кўрсатишга аҳд қилганмиз.

НАВБАТ ИШҒОЛЧИЛАРГА

Тезкорлик, аниқ ҳаракат, вазиятни тўғри баҳолай билиш уларга хос. Бу борада катта лейтенант Асқарали Исроилов гуруҳи етакчиликни ҳеч кимга бермоқчи эмас. Чунки бу гуруҳнинг замонавий жанговар санъатда унча-мунчани тан олмайдиган, маҳоратли, билимдон, ерга урсанг кўкка сапчийдиган посбон ўғлонлари бор. Ана шулардан бири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шавкат Абдиев.

— Машқларда интизомнинг катта ўрни бор, — дейди Шавкат. — Ҳарбий жамоамиз қанчалик яхши натижаларни қўлга киритаётган бўлса, буларнинг барчаси ўзаро бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш, аҳиллик ҳамда интизомлилик орқали амалга ошмоқда. Ватан мудофаасида турган ҳар бир посбон юксак даражада тайёргарлик кўрган, бурч ҳиссини қалбдан туювчи, маънавияти гўзал, баркамол инсон бўлмоғи зарур, деб ўйлайман. Ва ҳар биримиз айнан шундай бўлишга астойдил интиламиз.

ИФТИХОР ҲИССИ

Лейтенант Шуҳрат Муродов командирлик қилаётган пулемётчилар гуруҳи ҳам ўтюрак посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади. Қизғин машқларда тобланган посбонларнинг ҳар бири ўз вазифасининг нимадан иборат эканлигини жуда яхши билади. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Умид Солиев ўзи хизмат қилаётган жамоа ҳақида шундай дейди:

— Уюшқоқлик, мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, буйруқ ва кўрсатмаларни аниқ ва белгиланган муддатларда бажариш ҳарбий жамоамизга хос одат. Жанговар машқда шартли душман эгаллаган ҳудудини қўшинларга очиб бериши таъминлаймиз. Бу ҳар биримиздан ўз ишимизни аъло даражада уддалашни талаб этадиган масъулиятли хизматдир. Биз ўз касбимиздан фахрланамиз.

УЛАР МАДАД БЕРИШАДИ

Майдонда мадад берувчи кучларнинг таъсири яққол сезилди. Шартли душман техникалари яксон қилинди. Белгиланган вазифа аниқ бажарилди. Катта лейтенант Илҳом Ҳамробоев ўзи командирлик қилаётган гуруҳ посбонларини муваффақият билан табриклар экан, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бобомурод Нуратов номини алоҳида тилга олди.

Мутахассислиги миномётчи бўлган посбон Бобомурод Нуратов ҳарб илмининг билимдони сифатида сафдошларидан ажралиб туради. Бундан ташқари, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёрдам беришга шайлиги уни кўпчиликнинг ҳурматига сазовор этган.

— Мен ҳарбийликни танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман, — дейди Бобомурод. — Унинг қийинчиликлари ҳам ўзига яраша. Машаққатларига қарамай, деярли барча йигитларни ўзига оҳанрабо каби тортиб турадиган, аммо ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган шарафли касб эгаси эканлигимдан фахрланаман.

ФАҚАТ МАҚТОВГА АРЗИЙДИ

— Гуруҳимизда хизмат қилаётган посбонлар ҳақида фақат мақтов сўзларини айтса арзийди, — дейди офицер Бунёд Абдураҳмонов. — Уларда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган барча сифатлар мужассам, десам янглишмаган бўламан. Жанговар ўқув машқлари жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, улар энг мураккаб вазифа — замонавий жанг тақдирини ҳам ҳал қила биладилар. Ҳарбий жамоамизда ана шундай томонлари билан барчага ўрнак бўла оладиган посбон деб шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ҳамидулло Бўриевни кўрсатсак арзийди.

УЮШҚОҚЛИК ЯХШИ СИФАТ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Ибрагимов зенитчилар гуруҳида хизмат қилади. Машқлар жараёнида шартли душманнинг ҳаво ҳужумидан мудофаасини бартараф этишда алоҳида ўрнак кўрсатди. У ҳақида гуруҳ командири лейтенант Рустам Давлетов шундай дейди:

— Гуруҳимизда ҳар бир посбоннинг ўз ўрни бор. Уларнинг ўзаро аҳил ва уюшқоқликлари жанговар ўқув машқларида энг яхши натижаларни кўрсатишимизга сабаб бўлди. Бошқалар хизматини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, Баҳодир Ибрагимов фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Кичик командирдан талаб этиладиган катта сифатларни бу посбонда яққол кўришингиз мумкин.

ЭНГ МУРАККАБ ЖАНГ УСУЛИ

Бу — руҳий таъсир кўрсатиш усули. Бундай курашда ғолиблик даъвосида бўлганлар юксак ақл-заковат эгаси бўлмоқликлари даркор. Ҳар томонлама чуқур билим талаб этадиган мураккаб касбда тасодифий кишилар эмас, ўзига ишончи зўр, ўзгаларни ҳам ишонтира билувчи, зукколар хизмат қилади. Лейтенант Дамир Боев етакчилик қилаётган гуруҳ айнан шундай талабга жавоб бера оладиган посбонлардан иборат. Буни ўқув машқларининг юқори натижалари ҳам исботлаб турибди.

Гуруҳда бу мураккаб соҳанинг етук мутахассисларидан бири сифатида шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Камол Тошпўлатов тан олинади. Камол учун бу даражага етишнинг ўзи бўлган эмас. У билимдон мутахассис сифатида тилга тушганига қарамай, ўз устида тинимсиз ўқиб-изланишдан тўхтамайди. Унинг муваффақиятлари сири ҳам ана шунда бўлса керак.

Инобат НОДИРШОҲОВА.



Тоғ-ўқчилар батальони командири капитан Аброр Ҳайдаровни ўз касбининг моҳир устаси, деб бемалол айтиш мумкин. Чунки яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотида у сардорлик қилаётган жамоа яхши натижа кўрсатди.

Александр МРУЧАК суратга олган.

УНУТИЛМАС САБОҚЛАР

Майор Эркин Ҳакимов етакчилик қилаётган кичик мутахассислар тайёрлаш мактабининг ҳам Қуролли Кучларимиз сафида муносиб ўрни бор. Чунки, ҳар бир ҳарбий жамоада ана шундай мактабларни тугатган кичик мутахассислар фаолият кўрсатади.

Кичик мутахассислар тайёрлаш мактабида ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган бир қатор тарбиячилар хизмат қилишади. Улардан бири Қуролли Кучлар хизматчиси Ҳалима Медетовадир. Тажрибали мутахассиснинг олиб борадиган машғулотлари жонли, қизиқарлилиги билан курсантлар эътиборини тортади.

— Курсантлар билан ишлашнинг ўзига хос мураккабликлари билан бирга афзал томонлари ҳам кўп, — дейди биз билан суҳбатда Ҳалима Медетова. — Уларда қизиқиш кучли. Тинимсиз саволлар беришади. Бундай қизиқиш ва саволларга қониқарли жавоб қайтариш учун мутахассиснинг ўзида ҳам кучли билим ва иқтидор бўлиши лозим. Курсантларнинг ана шундай фаолликлари биз мутахассисларни ҳам ўз устимизда тинимсиз ўқиб-изланишга даъват этиб туради. Ҳар бир сабоқда уларга янги фикр, мулоҳаза айтишга ҳаракат қиламиз.

Мактабнинг яна бир фидойи мутахассиси капитан Аброр Муродов. У ҳақда мактаб бошлиғи майор Эркин Ҳакимов шундай дейди:

— Ҳар бир жамоанинг жонкуяр, кўпчилик манфаатини барча нарсадан юқори қўювчи, касби масъулиятини чуқур англайдиган фидойилари бўлади. Ана шундай кишилар сирасига капитан Аброр Муродовни ҳеч иккиланмасдан қўшиш мумкин. Вазифасини ҳалол адо этадиган, мактаб мутахассислари орасида ташаббускор, сермулоҳазалилиги билан ажралиб турадиган офицерни курсантлар ҳам астойдил ҳурмат қиладилар.

Мактаб кичик мутахассислар, яъни ошпазлар тайёрлайди. Курсантларнинг бу касб сирларини ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда ёрдамчи хўжалик ҳам мавжуд. Мактабни тамомлаган курсантларнинг ҳарбий жамоаларда дадиллик билан хизматни давом эттириб кетишларига юз фоиз ишонч билдириш мумкин. Улар ҳар қанақа шароитда ҳам ўзларига берилган вазифани, ўзлари эгаллаган касбни барча талабларига кўра намойиш эта оладилар. Бу ерда, айниқса, дала шароитида овқат тайёрлаш учун махсус жойлар қилингани алоҳида таҳсинга сазовор. Мактабда таҳсил олаётган курсантлар учун бундай шароит энг яхши амалий синов бўла олади. Буларнинг барчаси янгиликка интилувчан, изланувчан ва яратувчан раҳбар Эркин Ҳакимовнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Ўз ўрнидаги раҳбар ҳарбий жамоадаги соғлом муносабат, фаол хатти-ҳаракатлар, ташаббускорлик намуналарини кўрсата оладиган мустаҳкам асосга ўхшайди.

— Мен бу ерда таҳсил олаётганимдан мамнунман, — дейди биз билан суҳбатда курсант Умид Мажидов. — Назарий ва амалий машғулотлар ғоят қизиқарли ва жонли тарзда олиб борилади. Устозларимиз Ҳалима Медетова, капитан Аброр Муродовлар олиб борадиган машғулотлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Дўстларим курсантлар Ғулом Абдуллаев, Соҳибжон Маматазимов, Соҳибжон Рустамовлар мактабда яхши хулқ-атвор ҳамда билимдонликлари билан кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Армия ҳаёт мактаби эканлиги ҳақида бот-бот гапирилади. Курсантлар билан суҳбатлашиш асносида ҳам бу гап улар томонидан қайта-қайта тилга олинди. Чунки, ҳаёт мактабининг сабоқлари унутилмасдир. Йигитлар ҳарбий хизмат давомида эгаллаган касбларини кейин ҳам бемалол давом эттиришлари мумкин.

Кичик мутахассислар тайёрлаш мактабида давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилади.

Мактабда ўтказилган «Мустақиллик — олий неъмат», «Терроризм — аср вабоси», «Ибратли йигит», «Сўз бойлиги» каби қизиқарли тадбирлар Чирчиқ шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чирчиқ шаҳар бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилди. Бу ҳақда мактаб бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Саъдулло Аминов шундай дейди:

— Дам олиш кунлари курсантларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли-туман тадбирлар олиб борилади. Ҳамкорликда олиб борилган тадбирларимиз аҳамияти жиҳатидан, айниқса, катта ўрин тутади. «Маънавият ва маърифат» марказининг Рихси Бекбўтаева етакчилик қилаётган шаҳар бўлими икки томонлама алоқаларнинг сермазмун бўлишида алоҳида ҳисса қўшмоқда.

Халқ ва армия якдиллигининг амалдаги ифодаси бўлган бундай алоқаларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни катта аҳамиятга эга. Мақоламизни мухтасар қилишдан аввал мактаб бошлиғи майор Эркин Ҳакимовнинг фикрини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз:

— Кичик мутахассислар тайёрлаш ишида барча имкониятларимизни синаб кўряпмиз. Курсантларнинг у ёки бу касбни қанчалик эгаллай билганлари ҳарбий жамоаларда хизматни бошлаганларидан сўнг билинади. Уларнинг билим эгаллашлари, яхши мутахассис бўлиб етишишлари учун озмунча меҳнат сарфланмаяпти. Жойлардаги ҳарбий жамоа етакчиларидан собиқ курсантларимизнинг маҳорати тан олинган, шунингдек, камчиликлари ҳам адолатли кўрсатилган расмий номалар юборишларини сўрар эдик. Ана шунда нималарга янада кўпроқ эътиборли бўлишимиз кераклигини ҳамда сарфланаётган меҳнатимиз бесамар кетмаётганлигига амин бўлардик.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

Военно-политические новости

НЕ ХВАТАЕТ ПРИЗЫВНИКОВ

Количество граждан, которых можно будет призвать на военную службу в ходе осеннего призыва 2004 года, недостаточно для полного укомплектования Вооруженных сил, других войск, воинских формирований и органов рядовым и сержантским составом. «Для полного укомплектования всех войск рядовым и сержантским составом текущей осенью необходимо 210,7 тыс. призывников, в то время как можно будет призвать 176,4 тыс. человек. Недостает 34,3 тыс. призывников», — сообщил представитель Главного организационно-мобилизационного управления (ГОМУ) Генерального штаба Вооруженных сил России.

ЗА НЕСКОЛЬКО ЧАСОВ ДО...

Двое немецких солдат и двое швейцарских военнослужащих получили ранения в результате обстрела базы немецкого контингента в Кундузе на севере Афганистана. В настоящее время, по данным медицинских источников, их состояние стабильное. Меры безопасности вокруг лагеря усилены. Наблюдатели отмечают, что обстрел был произведен за несколько часов до голосования в бундестаге по продлению мандата пребывания германских войск в Афганистане.

ПО ОБВИНЕНИЮ В ГЕНОЦИДЕ

В Международном трибунале ООН по бывшей Югославии (МТБЮ) прокурор потребовал приговорить к 32 годам тюрьмы бывшего сербского командира Видоже Благожевича по обвинению в геноциде в Сребренице в 1995 году. Кроме того, прокурор потребовал от 15 до 20 лет тюрьмы для Драгана Жокича, который обвиняется в соучастии в геноциде. В июле 2005 года в Сребренице были убиты до 8 тыс. мусульман.

ВОЙНА НЕ ПОМОГЛА

Военная операция в Ираке не сделала ни весь мир, ни эту страну безопаснее. Об этом говорится в выпущенном накануне заявлении Ватикана. «Всем понятно, что эта война не помогла укреплению безопасности ни в Ираке, ни за его пределами. Святейший престол считает, что сейчас необходимо поддержать нынешнее правительство Ирака в его стремлении стабилизировать обстановку в стране и построить демократическую систему, которая, в то же время, гармонично сочеталась бы с историческими традициями Ирака», — заявил архиепископ Джованни Лайоло, выступая на Генеральной Ассамблее ООН.

АРМЕНИЯ ОБЯЗАНА...

Министр обороны Армении считает, что Армения обязана отправить своих военных специалистов в Ирак. «Армения не может требовать у государств—участников коалиции в Ираке объективного отношения к своим проблемам, в то время когда сама безразлична к проблемам этих стран», — сказал министр обороны и секретарь Совета безопасности республики Серж Саркисян в интервью общественному телевидению Армении. «Своим, пусть и небольшим, участием Армения должна внести вклад в дело установления стабильности в Ираке», — отметил он.

ЛИДЕР И ПОМОЩНИКИ ЗАДЕРЖАНЫ

Как сообщает Интерфакс, на юге Киргизии задержан лидер ячейки религиозно-радикальной партии Хизбут-Тахрир в Узгенском районе Хайрулло Кочкоров и его помощник. По данным УВД Ошской области, при обыске в доме задержанного обнаружено 12 экземпляров журнала «Ал-Ваи» и 48 единиц аналогичных изданий экстремистского содержания. У второго задержанного было изъято 17 листовок экстремистского содержания и пять экземпляров журнала «Ал-Ваи». Оба задержанных ранее судимы по статье 299 УК КР — «Разжигание межнациональной и религиозной вражды». В ходе допросов Кочкоров заявил, что не выступал против каких-либо конкретных представителей власти, а распространял листовки, где содержались призывы к созданию в Киргизии исламского государства вместо светского.

(По материалам Интернета).

«БОЕВОЕ КРЕЩЕНИЕ» ЛЕЙТЕНАНТА

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

дованием лейтенанта Шавката Сарманкулова. Так, в поражении предъявленных целей из автомата отличился рядовой Дилшод Абдурахмонов, гранатометчикам подал пример образцового ведения огня рядовой Мухсин Абилов, а из пулеметчиков добрых слов удостоился рядовой Ерали Дусткулов.

Эти учения стали серьезным смотром готовности данного подразделения к сдаче итоговой проверки за учебный год. А молодого офицера-воспитателя участие в ВТУ обогатило ценным опытом морально-психологической подготовки вверенного личного состава к подобным испытаниям.

— Перед распределением по воинским коллективам мы, молодые офицеры этого года выпуска, проходили сборы на окружной базе полевой подготовки войск, — рассказывает лейтенант С. Сулейманов. — Полученные на сборах дополнительные знания мне очень пригодились в процессе проведения показных ВТУ.

Что ж, отрадно видеть, что первые шаги становления молодого офицера получились такими удачными.

Майор А. АИНАТДИНОВ.

● ВЕСТИ ИЗ ГАРНИЗОНОВ

Клятва на верность

В торжественной обстановке, в присутствии родных и друзей, представителей местных органов власти и общественных организаций приняли Военную присягу юноши-гулистанцы, проходившие месячные сборы мобилизационного призывного резерва в одной из частей Гулистанского гарнизона.

Представитель Сырдарьинского областного хокимията А. Ходжаев, начальник УДО Сырдарьинской области полковник А. Аббасов, начальник отдела МПР Сырдарьинской области подполковник Ш. Абдуллаев, командир воинской части подполковник А. Абдурахманов поздравили граждан, проходящих службу в мобилизационном призывном резерве, с этим важнейшим событием в жизни каждого защитника Родины. Председатели областных фондов «Махалля» и «Нуроний», молодежного движения «Камолот» Р. Абдурахманов, А. Мухамедов и Д. Ахмедов призвали пополнивших ряды обученного резерва гулистанцев к верности независимому Узбекистану. Они выразили уверенность в том, что новое поколение защитников Узбекистана продолжит славные боевые традиции великих предков, не уронит чести дедов и отцов, будет бдительно стоять на страже мира и спокойствия в стране.

Выступившие перед личным составом заместитель командира батальона по воспитательной работе старший лейтенант Х. Шерматов, отец юноши-гулистанца Д. Мамасолиев, только что принявший военную присягу Ж. Дусибоев отметили плодотворность проводимой в Вооруженных Силах военной реформы. Они поблагодарили Президента Узбекистана, Министерство обороны и власти Сырдарьинской области за заботу и внимание к юношам, проходящим новый вид службы.

В праздничных торжествах приняли участие лучшие музыкальные коллективы Сырдарьинской области. Вместе с представителями художественной самодеятельности части они дали большой концерт для военнослужащих гарнизона и приглашенных на праздник гостей.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ. Гулистанский гарнизон. (Передано по факсу).

Ҳаракатга келганида чор-атрофни шовқинга тўлдириб, ерни титратадиган ўта оғир, баҳайбат жанговар машиналарни бошқариш кишидан катта эътибор ва маҳорат талаб қилади. Бундай техника воситаларининг кўпчилигини тўғри йўналтириш, катта жамоага команда бериш эса командир учун янаям масъулиятли ва муҳим вазифадир. Тўпчилар қисмида вақтинча командирлик вазифасини бажараётган подполковник Бахтиёр Дадажонов ана шундай маҳоратли бошлиқлардан ҳисобланади.

Александр МРУЧАК суратга олган.

● ШАКЛЛАНИШ ОДИМЛАРИ

ШАРАФЛИ НОМГА МУНОСИБ

Подполковник Равшан Сартаев командирлик қилаётган ҳарбий қисмда батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилаётган катта лейтенант Пўлат Носиров ўз қўл остидаги кичик командирлардан ҳамиша фахрланиб келади. Унинг эътироф этишича, бугунги кунда сержантларимиз жисмоний ва жанговар тайёргарликлар билан бирга маънан ҳам шаклланган бўлмоғи лозим. Хуллас, жамоада сержантлар ўз номларига, Қуролли Кучлар суянчи ва таянчи деган номга ҳар томонлама муносиб бўлиш учун тинмай изланишда ва ҳаракатда.

— Кичик командирларимиз сержантлар тайёрлаш мактабларидан пухта билимга эга бўлиб ҳар жиҳатдан маҳоратлари ҳам ошиб келмоқда, — дейди у. — Шунинг учун бўлса керак, аскарлар орасида уларга ҳавас қилиб, сержант бўлишга интилаётган талабгорлар сони тобора ортиб бораяпти. Аскар ва офицер ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини бажарувчи сержантларимизнинг тиришқоқ ва қизиқувчанлигини айтиб ўтмасам бўлмас. Улар биз офицерларни ўз қизиқишларига доир турли саволлар билан кўпинча шоширйб қўйишади. Биз имкон даражасида ўргатамиз ёки бирор янги мавзу бўлса, биргаликда ўрганамиз. Бу ерда ҳар бир хизматчи бемалол сафдошларига суяна олади. Муаммолар туғилса, биргаликда, командирлар кўмагида ҳал этамиз. Мана, намунали кичик сержантларимиздан Ғолибжон Мадаминов ҳамда Сайдулла Нурматовлар билан суҳбатлашиб кўринг, — ёнидаги йигитларга ишора қилди Пўлат Носиров.

— Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғолибжон Мадаминов, — ўзини таништирди кичик командир. — Бўлинма командири вазифасида хизмат қилиб келяпман. Муддатли хизматни ҳаво десантчилари қисмида ўтадим. Шундан сўнг хизматни шартнома бўйича давом эттиришга қарор қилдим. Ҳарбий хизмат, чинакам Ватан посбони бўлиш, жанговар санъат сирларини эгаллаш менга жудаям ёқади. Дунёга назар солсангиз, турли кўпорувчилик, эзгуликка душман кучлар ҳали у, ҳали бу ерда бош кўтариб қолаётганини кўрасиз. Янги асримизда террор балоси кенг илдиз ёйишга ҳаракат қилмоқда. Биз, осойишталик йўлида посбон бўлишни буюк мақсад билган ҳарбийлар бу каби хавф-хатарларни бартараф этишга, халқимиз хавфсизлигига қора кучлар соя солмаслигига ҳамиша масъулмиз. Демак, ҳар жиҳатдан чиниққан, билимли, маҳоратли ва албатта, ҳушёр бўлишимиз талаб этилади. Қизиқувчанлигимиз сабаби шундадир балки...

— Ғоят тўғри фикрлар билдирилди, — деди суҳбатимизга қулоқ солиб турган яна бир шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Сайдулла Нурматов. — Умуман олганда бемалол айтиш мумкинки, муддатли хизматдан кейин армия сафида қолиб, шартнома бўйича уни давом эттиришимизга сабаб, қалбимизда ёнган улкан иштиёқ алангаси. Биз бу ерда қайноқ муҳит ичра тарбияланаяпмиз. Шу билан биргаликда ёш аскар укаларимизга соҳа сир-асрорларини ўргатяпмиз. Киши ўз устида ишлаши, қурол-яроғ ва техника соҳасида яхшигина билимга эга бўлиши, энг муҳими дўстларига, Ватани ва халқига ҳамиша фидойилик ҳиссини дилида сақлашида ҳақиқий чиниқиш мактаби — армия муҳитининг таъсири беқиёс. Буни ҳар бир жангчи пухта англаб етиши, чуқур тушуниб олишида биз каби кичик командирлар зиммасига ҳам улкан масъулият юкланади. Шунинг учун етакчи офицерлар каби биз ҳам доимо билим ва маҳоратимизни ошириб боришимиз зарур. Қўл остимиздаги аскарларга аввало ўзимиз ўрнак бўлолмасак, уларда ишончсизлик пайдо бўлмайдими?

Йигитларнинг масъулият ҳиссини жуда яхши сезишлари, хизмат вазифаларининг моҳиятини чуқур англаб етганликлари кўриниб турибди. Бундан ташқари ўзаро ишонч ва иноқликлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бу каби фазилатлар бор жойда эса бирлик, уюшқоқлик юқори бўлади. «Бирлашган ўзар» мақоли бежизга айтилмаган, ҳар ҳолда.

Истардикки, ана шу мустаҳкам бирлик ҳеч қачон йўқолмасин.

Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: катта лейтенант Пўлат Носиров.

Александр МРУЧАК олган сурат.

● У ВОИНОВ-АВИАТОРОВ

Оценку им ставит небо

Для воинского коллектива технико-эксплуатационной части (ТЭЧ) под командованием майора Равшана Турсунова ожидание прошедших через их руки винтокрылых машин стало обыденным правилом. Впрочем, «технари» не сидят сложа руки в ожидании строгого вердикта летных экипажей — на очереди регламентные работы по обслуживанию новой партии вертолетов.

Про сержанта по контракту Рината Левицкого сослуживцы в шутку говорят, что он родился в вертолете. В этой шутке есть изрядная доля правды, замешанная на уважении к профессионализму ветерана, отдавшего более 20 лет жизни службе в Военно-Воздушных Силах. Группой, где служит ветеран, командует майор Умрбек Хайруллаев, и носит она поистине символичное название — «вертолет и двигатель» (ВиД). Здесь отвечают за состояние «сердца» винтокрылой машины. И трудятся мастера высочайшей квалификации — других не держат.

Впрочем, не полета ради поднимаются в небо боевые вертолеты — они выполняют самый обширный спектр задач от доставки десанта и груза до нанесения бомбоштурмовых ударов и уничтожения живой силы противника. Потому и остальные группы трудятся без права на ошибку. Так, подлинными мастерами своего дела по праву называют сержанта по контракту Фазлиддина Шарипова — старшего механика слесарно-механической группы (СМГ) под командованием майора Ислама Хидирова, а также младшего сержанта по контракту Салохиддина Джалилова — старшего механика группы авиационного оборудования (АО) под командованием капитана Абдулло Мамедова.

В тот день ожиданием ведущего облет экипажа были заняты только начальник ТЭЧ и главный инженер подполковник Батыр Холмурадов. Остальным было особенно некогда волноваться и смотреть в небо — в разгаре шло регламентное обслуживание очередного борта. Каждый занят на отведенном ему участке работы — если группа радиоэлектронного оборудования (РЭО) под командованием майора Орифжона Туробова педантично подвергает осмотру панель приборов и датчики, то группа авиационного вооружения и десантного оборудования (АВДО) во главе с майором Рустамом Бакаевым осматривает в первую очередь пусковые установки. Да, и транспортный вертолет должен при необходимости суметь выстрелами неуправляемых ракетных снарядов обеспечить воздушную огневую поддержку заброшенного в тыл противника десанта.

Четкий трудовой ритм предопределен уже самой высокой долей ответственности техсостава—за обеспечение безопасности полетов.

В ТЭЧ нет места невнимательным и недисциплинированным людям — цена ошибки здесь невероятно высока. Может быть, именно поэтому в соревновании среди подразделений авиационной части коллектив ТЭЧ зачастую выходит победителем. Мне с гордостью показали двухкассетный магнитофон—ценный подарок за первое место в предыдущем учебном периоде. Помимо музыки активным средством восстановления энергии здесь считают спорт — любят в ТЭЧ в короткие перерывы не перекуривать, а партию в волейбол сыграть.

Местные мастера традиционно передают свой опыт молодежи, а наиболее отличившихся из военнослужащих по контракту командируют на курсы повышения квалификации при ДВВАУ. Так, рядовые по контракту Зафар Мамедов, Олим Раджабов и Завкиддин Тураев обучились в Джизаке на полугодичных курсах.

Военные профессионалы не стоят в стороне и от общественной жизни коллектива ТЭЧ. Всеми мероприятиями руководит председатель сержантского совета старший сержант по контракту Саид Саъдуллаев. Его авторитет непререкаем — и по возрасту старше многих, и дело знает, опять же богатый жизненный опыт имеет. Неформальный лидер военнослужащих по контракту собирает свой совет не только по праздникам или торжественным случаям — присвоение звания, награда и тому подобное. Совет и в решении жизненных проблем окажет помощь, потому и идут сюда за поддержкой в трудные минуты многие.

Возвращаясь к теме ожидания итогов облета, остается констатировать — летчики высоко оценили труд своих коллег. На разборе полетов были, конечно, и небольшие замечания по устранению отдельных моментов. Но в целом оценка была высокой. И это вдохновило коллектив еще упорнее трудиться во имя обеспечения безопасности полетов. А по большому счету — во имя мирного неба над независимым Узбекистаном.

Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

● ЖАЖЖИЛАР МАСКАНИДА

„Қуёшча"нинг нурли одимлари

Мураббийлар ҳақида сўз кетганида эндигина тетапоя бўлган фарзандингизни она янглиғ бағрига босиб, оёққа туришига катта таянч бўлган меҳрибон тарбиячилар кўз олдингизда намоён бўлади. Боғча ва яслилар эса жажжи болангиз учун иккинчи уйига айланиб кетганлигини ҳис қиласиз. Нукус гарнизонига қарашли ҳарбий шаҳарчада жойлашган 1-сонли «Қуёшча» болалар боғчаси ҳам болалар учун севимли бўлган мана шундай зиё масканларидан бири. Бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг икки юздан зиёд фарзандлари улғайиб, таълим-тарбия олишмоқда. Аввало боғчада болалар учун яратилган шароитга тўхталиб ўтсак.

Бу маскан жажжиларнинг энг севимли жойига айланишига асосий сабаб, улар учун мураббийларининг фидойилик билан хизмат кўрсатишларидир. Чунки, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган тарбиячи опажонлари уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун замон талаблари асосида таълим ва тарбия беришади. Боғчада доимий равишда «каратэ» тўгараги иш олиб бормоқда. Муассасада мавжуд бўлган қўғирчоқ театри эса жажжиларнинг энг севимли масканларидан бири. Шунингдек, бу ерда болажонлар тўртта тилни — ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларини эгаллашлари мумкин.

Келинг, яхшиси қолган гапларни боғча мудираси Райҳон Холбоевадан эшитайлик.

— Бизнинг болалар муассасамиз ҳарбийларимизнинг фарзандлари учун хизмат кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллигимиз фарзандлари ниҳоятда иқтидорли. Улар орасида расм чизишга меҳри баланд тарбияланувчиларимиздан Хондамир Ашуралиев, Шоҳтемур Эрниёзов, Феруза Рашидова, Асема Бекжанова ҳамда Айзада Максимурадоваларнинг ижодий ишларидан алоҳида бурчаклар ташкил этганмиз. Кўриб турганингиздек, болалар чизган расмларида ўзларининг беғубор дунёларини акс эттиришга ҳаракат қилишган. Баъзи чизгиларнинг бетакрорлигидан ҳатто катталар ҳам ҳайратга тушишади. Шу билан бирга, болалар ўз иқтидор ва қизиқишларига қараб қўшиқ ва мусиқа тўгаракларига қатнашишади. Ва, албатта, улар боғчадан тўла ёзиш ва ўқишни эгаллаб чиқишади. Бунинг учун тарбияланувчиларимизга Гулчеҳра Қобилова, Валентина Қўчқорова, Валентина Канабалова, Гулнора Узоқбоева каби иқтидорли мураббийлар устозлик қилишмоқда. Уларнинг маданий дам олишларига ҳам катта эътибор қаратганмиз.

«Қуёшча»нинг жонкуяр етакчиси камтарлик қилиб ютуқлар тўғрисида кам тўхталган бўлса-да, биз ушбу боғчани Нукус шаҳридаги боғчалар танловида иштирок этиб 1 ўринга сазовор бўлганидан бохабар бўлдик.

Биз ушбу болалар муассасасининг барча ходимларини ушбу ютуқ билан табриклаган ҳолда, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қизғин қутлаб қоламиз.

Зулфия НИШОНОВА.

ТАЪЗИМ

Саҳий қалбли азиз муаллим,
Меҳр билан бердингиз таълим,
Заҳматингиз эсласам доим,
Сўз тополмай лол қолар тилим.
Олдингизда бошим эгиб жим,
Устоз, сизга қиламан таъзим.

Кўзда нурим, кўзингиздан нур,
Қалбингиздан қалб олар зиё.
Ҳар сўзингиз мисли гавҳар дур,
Сизга дардин очади дунё,

Умрим бўйи узолмам қарзим,
Устоз, сизга қиламан таъзим.

Сиз ҳаётнинг ёрқин чироғи,
Эзгуликнинг ўлмас тимсоли,
Сиздан олар маърифат боғи
Ҳароратни қуёш мисоли.
Чексиз ҳурмат бўйнимда фарзим,
Устоз, сизга қиламан таъзим.

Шаҳноза РАВШАНОВА.

МУАЛЛИМ

Яхши одоб, фазилатни,
Устоз, менга Сиз бердингиз.
Ақлу идрок, фаросатни
Устоз, менга Сиз бердингиз.
Дунё сирларин бир-бир,
Очиб илм нури бирла
Зиё янглиғ саодатни,
Устоз, менга Сиз бердингиз.
Сиз муаллим, Сиз мураббий,
Мен Сизни пир деб билгум,
Ҳаётим офтобидирсиз,
Йўлингиз нур деб билгум.
Ҳар сабоғу сўзингизни,
Бебаҳо дур деб билгум.
Теран билим — камолатни,
Устоз, менга Сиз бердингиз.
Дунё илмин етказдингиз,
Еру осмон, табиатдан,
Ҳақ йўлида сабоқ олдим,
Одиллигу ҳақиқатдан.
Ватан, дея бағрим ёнар.
Меҳру шафқат, муҳаббатдан.
Элу юртга садоқатни,
Устоз, менга Сиз бердингиз.
Сизга қалбимдан ташаккур,
Эй, устози меҳрибоним.
Қўлим кўксимдадир доим,
Сиз нур тўла жон-жаҳоним.
Сизни улуғлашдан толмас,
То ҳаётман бу забоним.
Инсонийлик — ҳароратни,
Устоз, менга Сиз бердингиз.

Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси.

НАСТАВНИКИ

Наставники... наставничество... При упоминании этих слов каждый человек вспоминает добрым словом тех людей, кто помогал ему в жизни, кто учил избранной профессии, кто наставлял, как говорят, на путь истинный.

Лично я искренне благодарен своим наставникам и считаю, что все достигнутое мною в жизни и службе — это и их заслуга, их вклад в мое становление как человека и офицера.

...Владимир Петрович Воробьев. Подполковник в отставке. Ветеран войск. Один из опытнейших офицеров-воспитателей. В подразделение, где заместителем командира по воспитательной работе был старший лейтенант В. Воробьев, я прибыл сержантом срочной службы. Узнав, что я до призыва в армию закончил педагогическое училище, он сразу же вовлек меня в активную общественную воспитательную работу. Вместе с ним организовывали и проводили различные культурно-досуговые и спортивные мероприятия. Он терпеливо учил меня, рассказывал и показывал, что и как делать. Старший лейтенант Воробьев жил интересами и нуждами солдат, был «свой» среди них. умел говорить с ними и влиять на их настроение, всегда поддерживал добрые инициативы. Владимир Петрович убедил меня и помог остаться на контрактную службу, поступить учиться заочно в высшее военное учебное заведение, стать офицером.

...Полковник в отставке Соколовский Ефим Соломонович. Почти полвека был в воинском строю. Фронтовик, прошел в войсках путь от солдата до начальника штаба соединения. Его всегда отличали жажда знаний, творческая неутомимость и величайшая работоспособность. Мы восхищались его энтузиазмом, способностью, если надо, работать без устали, умением доводить любое начатое дело до конца и воодушевлять на это других людей. Без какого-либо повышения голоса, спокойно и тактично, строго по-уставному и в то же время как-то по-отечески, тепло и заботливо говорил он с подчиненными. Его интересовало все: и бытовые условия жизни подчиненного, и семейные проблемы, и как он работает над собой, в чем нуждается и т. д. Все это окрыляло нас, заставляло критически оценивать свои действия и как можно лучше выполнять свои обязанности и полученные распоряжения.

...Серафим Николаевич Булычев. Полковник в отставке, более полутора десятка лет возглавлял воспитательную работу в войсках. Это воспитатель, наставник не по должности, а по призванию. Я горд тем, что в жизни мне повезло служить многие годы под его началом, быть рядом с ним, учиться у него и перенимать богатый опыт.

Серафим Николаевич — эрудит, отличный знаток во многих областях знаний, умеющий убедить людей и увлечь их на решение ответственных задач. Не раз приходилось мне обращаться к нему с трудными или непонятными вопросами и всегда получал исчерпывающие ответы, разъяснения. Его высокая компетентность вызывала у нас, молодых офицеров, «белую» зависть и заставляла более усердно пополнять свои теоретические знания.

Ему уже за восемьдесят, а встретишься с ним, поговоришь — и кажется, мы продолжаем служить вместе, радуясь новым успехам Караульных войск.

Серафим Николаевич и сегодня в воинском строю, ибо, являясь активным членом Совета ветеранов войск, он неутомим в общении с людьми, охотно встречается с воинами, по-прежнему щедро делится с ними своими знаниями и опытом, дает ценные жизненные советы.

...Наставники. Они разные по-своему, но всех их объединяет святая любовь и вера в людей, бескорыстное желание передать им все то, что сами они достигли в жизни. Спасибо вам, наставники, за щедрость ваших душ, за ту школу жизни, что вы преподали своим ученикам.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

НАДЕЖНЫЙ ФУНДАМЕНТ

Два года учебы на Специальном факультете связи при ТУИТ прошли незаметно. Вот уже почти месяц как курсанты Т. Толяганов, А. Герасимов, Д. Иргашев и другие мои однокурсники приняли Военную присягу, живут по строгому армейскому распорядку дня. Освоение будущей военной специальности проходит успешно у каждого. Во многом это обусловлено тем, что все эти два года мы имели отличных преподавателей и наставников, которые заложили в нас хороший фундамент для дальнейшей учебы.

Для курсанта Зуфара Садыкова самыми любимыми предметами были те, что связаны с электроникой, такие как теория электрических цепей, которую ведет для слушателей Спецфакультета профессор В. Соколов. Именно на его занятиях он утвердился в выбранной профессии, вышел в число лучших курсантов. Сегодня, командуя курсантским отделением, он сам помогает подчиненным в учебе, в освоении сложной современной техники связи. Курсанту Улугбеку Ахылову больше по душе электронные приборы и микроэлектроника, которые он осваивал под руководством преподавателя Г. Кузьминой. До поступления на Спецфакультет он уже работал лаборантом. Именно по совету преподавателей ТУИТ, заметивших старательного и любознательного юношу, решил продолжить образование, стать офицером-связистом. Курсант Д. Иргашев сердечно благодарен Борису Михайловичу Покровскому, преподавателю физической подготовки. У каждого обучающегося на Спецфакультете есть кому сказать доброе слово за науку, за протянутую в трудную минуту руку помощи.

Курсант
Алишер АЗИМОВ.

Камолот ичра кўзгу!

Дунёда мингдан зиёд касбу кор, ҳунарлар мавжуд. Ҳар бирини эгаллашда, машаққатларини енгиб ўтишда устоз дея аталувчи бағри кенг инсонлар таянч бўлади, ҳаётга йўлланма беради. Аммо устозлик оламининг муқаддимасида турувчи азиз зотлар борки, уларни алифбодан сабоқ берувчи муаллимлар деб аташади. Бу зотлар олдида эса барча касб эгалари таъзимда туриши, шубҳасиз. Чунки ҳар бир билимли инсон аввало шулар қўлида сабоқ олади, илм оламининг илк сирларидан баҳраманд бўлади.

Жамила опа ана шу муаллимлик касбини танлади. Танлаганда ҳам қулоғи заиф эшитувчи, нутқи ривожланмаган ўксик қалбли болаларни оёққа турғазувчи дефектологлик машаққатини танлади. Қаҳрамонимиз ҳозирда Собир Раҳимов туманидаги 106-сонли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг етакчи ўқитувчиларидан. Яқин ўттиз йиллик умрини ушбу соҳага бахшида қилган Жамила опа Ҳусанованинг ҳаёт йўлига назар ташлайман; Наманган вилояти Учқўрғон туманига қарашли Қозоқовул қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуваҳоб ака ва Алимпиада опалар хонадонида парилардек гўзал қизалоқ дунёга келганида 1954 йилнинг айни баҳори эди. У ака, опалари қатори тиришқоқ, билимга чанқоқ бўлиб вояга етди. 1976 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирда университет мақомида) дефектология факультетини битириб, Учқўрғон туманидаги махсус мактаб-интернатда иш бошлаганида нақадар масъулиятли касбни танлаганлигини янада чуқур ҳис қилганди. Чунки соғлом болаларга илк сабоқ беришнинг ўзи муаллимдан қанчалар куч ва сабот талаб қилса, қулоғи заиф эшитувчи, нутқи ривожланмаган болаларга билим бериш мобайнида нутқини ривожлантириб бориш, ўксик қалбига малҳам бўлиб, уларни соғлом болалар сафига қўшиш машаққатли эди, шубҳасиз.

— Нуқсон билан туғилган болаларни нафақат ўзлари, балки ота-оналари ҳам азият чекиб сиқилишади, — дейди Жамила опа ўз касби ҳақида сўз юритар экан. — Уларнинг баъзилари фарзандларини мактабимизга ҳатто ноумид ҳолатда олиб келишади. Шунда мен уларга доимо бир сўзни ишонч билан такрорлайман: «Бунчалик тушкунликка тушишингиз ноўрин. Болангиз, албатта гапиришни, ёзишни, мустақил равишда китоб ўқиб саволларга жавоб беришни ўрганади. Соғлом тенгқурлари қатори барча фанлардан билимга эга бўлади». Баъзи ота-оналар эса «мен фарзандимни узоқ йиллар табиб ва шифокорларда даволатдим, лекин фойдаси бўлмади. Энди гапирармикан, агар гапириб кетса армоним йўқ эди», дея бизнинг махсус мактабга ҳам ишонқирамай олиб келишади. Бундай ота-оналарга маслаҳатим: болангизни ўз вақтида, ёшини ўтказиб юбормай боғча ёшидан махсус мактабларга сабоқ ва тарбия олиши учун топширинг. Фарзандингизни эшитиб, гапириб кетишига бевосита сабабчи бўладиган мутахассис устозлар сизларнинг дилингизга ёруғлик киритиб, армон деган сўздан қалбингизни йироқлаштиришга ҳаракат қилишади. Мен касбимни эзилган қалбларга дармон бўлишга қодирлигим учун ҳам севаман. Бизнинг махсус мактабимизда барча устоз педагоглар, тарбиячилар ҳам худди шундай.

Жамила опа бу борада ҳақ гапни айтди. Ушбу махсус мактабдаги юздан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар ўз вазифаларининг махсус мутахассиси, фидойилари. Уларнинг кўплари ушбу соҳада янги методикалар яратган олим ва олималар. Жамила опа ҳам доимо изланишда. Опанинг 1995 йилда Республика халқ таълими ходимларининг кўргазмали қуроллар танловида биринчи ўринни эгаллаб, ихтирочи ўқитувчи унвонига эга бўлгани ҳам бежиз эмас. Бу инсоннинг фидойи меҳнати эса ўз ўрнида муносиб баҳоланиб келмоқда. Опа 1992 йилда Юртбошимиз фармонига кўра, кўп йиллик самарали меҳнати учун «Фахрий ёрлиқ»қа муносиб топилгани шундан далолат. Шунингдек, тажрибали дефектолог сифатида вилоятларда ўтказиладиган Республика семинарларида ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишган.

— Менинг барча изланиш ва ҳаракатларим ўқувчиларимни эркин гапира олишга ўргатиб, соғлом болалар сафига қўшиш. Улар орасида нутқи тикланиб умумий мактабларга ўтказдирилгани талайгина. Уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари сафида кўриш мен учун чексиз бахт, — дейди опа ўқувчиларига меҳр билан боқар экан.

Жамила опа Ҳусанова бахтли аёл. Опанинг севган касби билан бирга қизи Гулнозахон, ўғилдек меҳрибон куёви Иброҳимжон ва набираси Исмоилжондек яшашга, интилиш ва изланишга қувват бўлгувчи таянчлари бор.

Мактаб-интернатга ташриф буюрганимда «Кимки нуқсонсиз дўст қидирса дўстсиз қолади», дея ёзиб қўйилган халқ мақолига кўзим тушди. Бу айни ҳақиқат. Бу ердаги ўқувчиларнинг энг яқин дўстлари эса аввало уларнинг устозлари десак хато бўлмайди. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Ушбу кунда Жамила опага даста гул тутиб «Мен сизни табриклайман, устоз», дея талаффуз билан айтган ўқувчиларининг сўзларию, опанинг кўзларидаги қувонч ёшларини тасаввур этиб беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Мана шу инсондек келажак авлодларимиз фидойилари бор экан, бу юртга эзгулик нури ёғилиб тураверади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ЯНГИ КАШФИЁТ

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири радиоактив ёқилғи қолдиқларини хавфсиз сақлаш масаласидир. Ғарб олимлари ва муҳандислари ушбу мураккаб муаммога ечим топди. Улар атом электр станцияларида (АЭС) қайта ишланган ядровий ёқилғини узоқ муддат сақлаш технологиясини ишлаб чиқди.

Кашфиёт жаҳон атом энергетикаси учун янги имкониятларни яратиши шубҳасиздир. Ядровий ёқилғини сақлашнинг самарали усули бўлмагани боис ушбу камчилик соҳа ривожига тўсиқ бўлаётганди. Шу пайтга қадар мавжуд технология ёрдамида қолдиқларни фақат 200 йилгача сақлаш мумкин эди.

Радиоактив модда қолдиқларини сақлаш технологияси АҚШнинг «Баттелл» илмий маркази мутахассислари томонидан яратилди. Буюк Британиянинг «Амек» компанияси эса ундан фойдаланиш учун дастлабки лицензияни қўлга киритди.

Маълумотларга қараганда, қайта ишланган ёқилғи қум ва тупроқ билан аралаштирилиб, эгилувчан металлдан тайёрланган қутиларга жойланади. Бунда радиоактив моддалар 20 фоизни, қум ва тупроқ эса 80 фоизни ташкил этиши керак. Икки махсус электрод ёрдамида улардан ҳосил бўлган қоришма 3 минг даражагача қиздирилиб, шиша ҳолатига келтирилади. Ушбу жараёнда ҳосил бўладиган газлар эса осонлик билан жиловланади.

Қаттиқ ҳолатга келиб қолган аралашма хона ҳароратида 20 минг йил мобайнида сақланиши мумкин. Ушбу шароитда атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етмайди.

Акмал НАЗАРОВ,
(ЎзА).

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ

Дипломатия, халқаро иқтисод, таълим, маданият, сайёҳлик — янги ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек электрон луғати қамраб олган мавзулардир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида мазкур луғат тақдимоти бўлиб ўтди.

Виртуал нашр ҳажми 40 минг луғат мақоласи бўлиб, уларда нафақат сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларнинг таржимаси, синонимлари ва қўлланишига оид мисоллар, балки барча зарур грамматик маълумотлар ҳам бор. Эътиборли жиҳати шундаки, СД-дискка ёзилган бу луғатдан ҳар қандай компьютер дастури, шу жумладан энг кенг тарқалган—Микрософт Ворд ёрдамида фойдаланиш мумкин. Янги электрон нашр билан ишлаш учун махсус билим ва кўникмалар керак эмас — у содда ва тушунарли.

Мутахассислар, ўқувчилар анчадан бери зарурат сезаётган луғатни яратиш ғояси Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улугбек жамғармасида бир ярим йил аввал пайдо бўлди. Лойиҳа муаллифи — Оксфорд университетида халқаро иқтисод бўйича ўтказилаётган ҳамкорликдаги тадқиқотларда иштирок этаётган Жасур Солиҳов ижодий жамоани ташкил этди. Унинг таркибига тажрибали тилшунослар ва компьютер технологиялари соҳасидаги мутахассислар кирди. Нашрнинг ўзига хослиги шундаки, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг етакчи ўқитувчилари уни тайёрлашга олий ўқув юртининг магистрант ва аспирантларини жалб қилди. Бу эса улар учун яхши қўшимча амалиёт бўлди. «Электрон таржимон»нинг техник жиҳати учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида компьютер янгиликларини жорий этиш билан шуғулланувчи Лидс университети (Буюк Британия) битирувчиси Дамир Амиров масъул бўлди.

Луғат тақдимотида иштирок этган экспертлар у дунёдаги энг яхши компьютер луғатлари тамойиллари асосида яратилганлигини қайд этишди. Таъкидландики, бу Ўзбекистонда мазкур мавзудаги биринчи электрон нашрдир. Бир ой давомида уни кўпайтириш йўлга қўйилади. Олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар луғатни арзон нархда, республика мактаблари эса бепул олади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

УМРИНГИЗНИ ЁРИТСИН, ЗИЁ НУРЛАРИ

Хизмат сафарида бўлганимизда тез-тез ёш офицерлар билан суҳбатлашаман. Уларнинг устозлари борасида сўрайман. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битирган бир гуруҳ ёш офицерлар билан яқинда учрашганимда, улар капитан Игорь Бобомуродов хусусида мароқ билан сўзлашди. Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида бу устоз офицер борасида бироз тўхталишни лозим топдик.

Игорь Давлат жисмоний тарбия институтини тугатган. 1997 йилдан эътиборан ҳарбий билим юртининг жисмоний тарбия ва спорт кафедрасида ўқитувчилик қилиб келаяпти. Мана, етти йилдирки, унинг тайёрлаган шогирдлари республикамизда, Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган спорт мусобақаларида медаллар шодасини қўлга киритиб келишмоқда. Устоз офицернинг ўзи ҳам офицерлар учкураши бўйича спорт устаси.

Узоққа бориб ўтирмай, биринчи Умумармия ўйинлари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, капитан Бобомуродовнинг шогирдлари ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкурашда мусобақа ғолиблигини қўлга киритишиб, кубокка эга бўлишди. Илк босқичлардаёқ тайёргарликка жиддий эътибор қаратиб, жамоани ғолибликка олиб чиқди. Ҳатто шогирдларидан бири катта лейтенант Туйғун Тожиев Умумармия ўйинларида кўпкураш бўйича спорт устаси нормативини бажарди.

Таъкидлаш жоизки, тажрибали мураббий капитан Бобомуродов бугунги кунда ҳам курсантлар, офицерлар билан кўпкураш бўйича мунтазам тайёргарликлар олиб бормоқда. Мақсади чемпионларни, жисмонан баркамол ўғлонларни шакллантиришда.

— Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган байрам табрикларида шундай сўзлар бор: «Табиийки, устоз деганда ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган зот бу муаллим ва мураббийлардир». Аввало ана шундай мўътабар, улуғ зотларни байрам билан табриклайман. Башарти мен ҳам мураббийлик мақомига етган эканман, бу йўлда ҳали яна изланаман, Қуролли Кучларимиз учун маънан, жисмонан баркамол офицерларни тайёрлашдек устувор вазифага баҳоли қудрат улуш қўшаман.

Дарҳақиқат, ислоҳотлар янги босқичга кирган бир маҳалда Қуролли Кучларимизда ҳарбий таълим масаласи янада устувор аҳамият касб эта бориши табиий. Бу йўлда фидойи, ўз касбининг билимдони бўлган капитан Игорь Бобомуродовдек ўқитувчи офицерларнинг хизматлари беқиёсдир. Илм-маърифатга, таълим-тарбияга бахшида умрингизни зиё нурлари ҳамиша ёритсин, устозлар.

Майор
Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Яқинда Деҳлида «Янгиликлар ва нуқтаи назарлар» номли ахборотноманинг сентябрь ойи сони босмадан чиқди. У Ҳиндистондаги ҳинд-ўзбек дўстлик жамияти муассислигида чоп этиладиган нашр бўлиб, икки дўст мамлакат ўртасидаги турли соҳалар бўйича ўзаро муносабатлар мавзусини ёритиш ушбу ахборотноманинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ахборотноманинг биринчи саҳифасида «Ўзбек-ҳинд муносабатлари: янги истиқболларга бир назар» сарлавҳали мақола босилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тарихи қадим ўтмишга бориб тақалиши хусусидаги мухтасар фикр-мулоҳазалар билан бошланган ушбу мақола дўст ҳинд халқи билан Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомидаги муносабатлари ривожи ҳамда уларнинг истиқболлари мавзусига бағишланган.

Ахборотноманинг ушбу сонида Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти бош директори, профессор Қамар Раиснинг «Зокиржон Машраб Бобур мероси ошуфтаси» сарлавҳали мақоласи ҳам эълон қилинган. Унда таниқли бобуршунос олим, Ўзбекистон парламенти аъзоси З. Машрабовнинг буюк шоҳ ва шоир Бобур меросини тадқиқ этиш борасида олиб бораётган таҳсинга лойиқ ишлари қаламга олинган.

Бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан ҳинд профессори Қамар Раис «Бобур мукофоти»га сазовор бўлгани ҳақидаги хушхабар ҳам ахборотноманинг ушбу сонида эълон қилинган. Ҳинд адибининг икки йил олдин буюк ватандошимиз ижодига бағишланган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур: шахс, шоҳ ва шоир» номли китоби ҳамда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари таниқли ўзбек шоирларининг шеърлари унинг мутаржимлигида урду тилига ўгирилиб, Ҳиндистонда нашр этилган эди.

Шу билан бирга, нашрнинг ушбу сонида мазкур дўстлик жамияти раҳбарининг «Буюк ўзбек фарзанди—машҳур Ибн Сино Ҳиндистонда», таниқли ҳинд олими С. А. Жафрининг «Алишер Навоий—15 асрдаги буюк ўзбек шоири» сарлавҳали мақолалари ҳамда икки мамлакат маданий, илмий-адабий ҳамкорлигига оид турли хабар ва суратлар ўз аксини топган.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Деҳли.

● ТИББИЙ КУРИКДАН УТАЁТГАНДА

ШИРИНЗАБОН ҲАМШИРА

— Кимнинг навбати?
— Меники...
— Мана бу ерда қаддингизни тик тутиб туринг! 1,68 см.
— Ундай бўлиши мумкин эмас, ахир менинг бўйим 1,70 см эдику.

Яна битта кичик англашилмовчилик. Назира опа чақирилувчи талабини тўғри қабул қилган ҳолда бўй ўлчагичнинг тўғрилигини исботлаб берди. Ҳақиқатан ҳам боланинг бўйи 1,68 см. Балким у аввал бўйини ўлчатаётганда ўзини савлатлироқ кўрсатиш мақсадида товонини озроқ кўтариб тургандир. Яна ким билади. Аммо Назира опа йиғин пунктида ҳамшира сифатида иш бошлабдики, фаолияти мобайнида бундай воқеаларга аҳён-аҳёнда дуч келиб туради. У бу каби вазиятда доимо, ҳеч кимнинг кўнглини ранжитмаган ҳолда далилнинг ҳаққонийлигини исботлаб кўрсатади.

Чақирилувчилар тиббий кўрикдан ўтиш вақтида озми-кўпми бундай воқеаларнинг учраб туриши табиий ҳол, албатта. Кимдир ўзининг бўйини паст ўлчашганидан норози бўлса, яна биров эса вазнининг камлигидан эътирози бор... Сир эмас бугунги кунда армияда муддатли ҳарбий хизматни ўтайман ва шарафли йигитлик бурчимни адо этаман, дейдиган талабгорлар кўплаб учрайди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин профессионал армияни шакллантираётган бир пайтда ҳар томонлама соғлом, бақувват, шунингдек, билимли, эпчил ва чаққон бўлиш билан бир қаторда мавжуд синовлардан юқори натижани қайд этганидан сўнггина йигитлар армиямиз сафларида муддатли хизмат қилиши мумкин.

— Бирор муаммо ёки хулосамиздан эътироз пайдо бўлдими, бунинг нечоғлик тўғрилигини имкон қадар кузатувчилар назорати остида исботлаб берамиз. Шундагина бизнинг хулосамиздан эътироз билдирган фуқарога масала ойдинлашади, — дейди Назира опа.

— Кечирасиз, кузатувчилар деганда кимларни назарда тутаяпсиз?

— Кузатувчилар — йиғин пунктининг бошлиғи, шу ерда ишлайдиган тажрибали шифокор экспертлар ва эътироз билдирган фуқаро қайси туман мудофаа ишлари бўлимидан бўлса, уларни кузатиб келган офицер, ҳатто талабгорнинг яқинлари бўлиши мумкин.

Назира Раҳматова Бухоро вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида иш бошлаганига мана 4 йил бўлди. Бу вақтга қадар у бир қатор шифо масканларида ишлаб ширинсўз, хушмуомала, дилкашлиги билан беморларнинг дардларига малҳам бўлди.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

„Ишбилармон ўқувчилар"

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси томонидан республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун таъсис этилган «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси совриндорлари аниқланди.

Ўзбекистон Либерал демократик партияси ҳаракат дастурида ёшларни ақлий салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ёшлар орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси қошидаги Ёшлар қанотининг ташаббуси билан республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси таъсис этилган эди. Ушбу стипендияларга номзодларни аниқлаш учун 15 майдан 15 июлга қадар кўрик-танловлар ўтказилди. Танловнинг вилоят, туман босқичларида жами беш минг нафар ўқувчи иштирок этиб, ўзларининг ишбилармонлик ва ташаббускорлик маҳоратларини намойиш этишди. Сўнгги босқичга жами 28 нафар ўқувчи саралаб олинди. Улардан ўн тўрт нафари стипендия соҳибига айланди. Ғолиблар Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан биттадан танлаб олинди. Уларга 180 минг сўм миқдорида стипендия ва «Ишбилармон ўқувчи» гувоҳномаси топширилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс».

Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси

Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож Маҳал мақбараси бунёд этилганига 350 йил тўлди. Айни кунларда мамлакат шимолидаги Уттар-Прадеш штатида мазкур сана катта тантаналар билан нишонланмоқда.

Бу бетакрор обида Бобурийлар сулоласининг забардаст вакили, 1628—1658 йилларда ҳукмронлик қилган Шоҳ Жаҳон томонидан севгилиси Аржуманд Бону (Мумтоз Маҳал)га атаб қурилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, малика 38 ёшида дунёдан кўз юмади. Севикли аёлининг вафотидан қаттиқ қайғуга тушган шоҳ унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Жамна дарёси соҳилида муҳташам обида қуришга аҳд қилади.

23 йил давомида тикланган ушбу мақбара қурилишида йигирма мингдан ортиқ киши қатнашган. Шарқ меъморчилигининг энг гўзал ва латиф жиҳатларини ўзида мужассам қилган бу осори атиқани бунёд этишда Самарқанду Бухородан борган қўли гул усталар ҳам фаол иштирок этган.

Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида эътироф этилган Тож Маҳал мақбараси асрлар оша муҳаббат ва садоқатнинг мангу тимсоли бўлиб келаётир. Уни ҳар йили миллионлаб сайёҳлар зиёрат қилади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ҲОРДИҚ

«Тренер» бобо

Курортга борib келгандан кейин Дамин бобонинг феъл-атвори жудаям ўзгариб қолди...

Еши бир жойга бориб қолган отахон қон босими ва сал-пал юрак сиқилишидан азоб чекарди. Бунинг оқибатида кайфияти ҳам жойида эмас, кўпинча ҳуда-беҳудага асаб торлари тортилиб кетади. Хуллас, отанинг соғлиғини ўйлаб, ўғиллари бобога Кавказнинг сўлим шаҳарларидан бирида жойлашган дам олиш масканига йўлланма топиб беришди. Ота ҳам уларни алқай-алқай жўнаб кетди.

Орадан бир ой ўтди. Тиниқиб дам олгани ранг-рўйидан ва ҳаракатларидан билиниб турган қария бир қучоқ совға-салом билан кириб келди. Томошанинг қизиғи эса эртаси куни бошланди. Шифокорлар отага кўпроқ очиқ ҳавода бўлишни маслаҳат беришган экан. Шунинг учун чол тушмагур тонг саҳарда бойлиқ турган итини ечиб олиб, қишлоқ айланишга чиқиб кетибди. Қишлоқда эса ҳеч ким ит етаклаб айланиб юрмайди. «Иши йўқ итини суғорар», деган сал киноялн мақол ҳаммага маълум. Аммо бобо ўша ёқда бўлганида бу манзарани кўрган ва уйга қайтгач, ўзи ҳам ушбу тадбирни амалда қўлламоқчи бўлган экан. Ит билан сайр қилиш бошига бало орттиришини қайдан билсин.

Олапарни етаклаб бамайлихотир кетаётган чол бирданига қаттиқ қалқиб кетди. Олдинда ниманингдир шарпасини сезган ит шаҳд билан силтаниб, уни йиқитиб юбораёзган эди. Бир амаллаб ўзини тутиб қолган бобо базўр итни қайириб олди. Бироқ, яна салгина юрмасларидан аллақаёқдан вовуллаб югуриб келган бир малла кўппак олапар билан талашиб кетди. Зум ўтмай яна биттаси пайдо бўлди. Буларнинг ириллаши ва вовуллашидан саёқ юрган яна бир нечта итлар етиб келишди. Ота сал бўлмаса итларга таланиб қолай деди. Яхшиям шу ердан ўтиб қолган чўпон йигит итларни ҳайдаб юбориб, отани халос этди. Бўлмаса...

Бу иши ўзига мароқ бағишламаганидан аччиқланган ота олапар билан уйга қайтди. Бу маҳал тонг ёришиб, одамлар гимирлаб қолишган эди. Иўлларидан чиқиб қолган сув кўтариб келаётган жувонга бирдан ити ҳамла қилиб қолсинми! Бечора жувон «вой» деганча ўтириб қолди. Қўлидаги пақир ағдарилиб, кийимбошини шалаббо қилди. Ён томондаги ҳовлидан югуриб чиққан жувоннинг эри катта бир таёқ билан итга ташланди. Бобога ҳам нима деса деди. Бу ҳам ҳолва экан. Дамин чол уйига кириб келиб, энди ёнбошлаган эди, ортидан бояги жувоннинг қайнонаси етиб келди.

Кампир шанғиллаб, келини ҳомиладорлигини, агар бир гап бўлса, чолнинг соқолини юлиб кетишни айтиб, роса вайсади. Шушу, бобо қайтиб итга яқинлашмайдиган бўлди.

Бир чойнак аччиқ кўк чойни мириқиб ичиб олган бобо кафтини тўлдириб нос отди-да, соқолини тутамлаб ўйга толди. Ит етаклаб сайр қилиш бўлмас экан. У энди эрталаб турib оқ иштон-кўйлакда бадантарбия қила бошлади. Бобога ҳар нарсага қизиқадиган ёш набиралари ҳам қўшилди. Машғулот роса қизиётган эди, кампири келиб, бунинг ҳам белига тепди. Нима эмиш, қари чолнинг бу қилиғидан келинларининг олдида ерга кириб кетгудек бўлаётганмиш. «Индамасам ҳали ёшариб, кучим кўпайди дея ўйинга ҳам тушади, мияси айнинган бу чол», деди кампир жиғибийрон бўлиб. Набиралари момонинг гапини тушунмади, қитмир чол эса тиржайиб қўйди. Унга беғубор гўдакларнинг серзавқ чуғур-чуғури ҳам мароқ бағишлаётган эди. Бадантарбияни эса тўхтатмади. Фақат оқ иштон-кўйлакда эмас, сипороқ кийиниб чиқадиган бўлди. Энди бобо билан бутун қишлоқ болакайлари бирга машқ қиладиган бўлишди. Спорт майдончаси вазифасини бажараётган сўлим дарахтзор чорбоғнинг ўтлари пайхон бўлиб кетганидан жиғибийрон кампир ниҳоят уларни ҳайдаб солди.

Спортчилар бундан хафа бўлишмади. Сал наридаги мактаб биноси ёнидаги майдончада машғулотни давом эттиришди. Бунда сафига мактаб қоровули Қувондиқ бобо ҳам қўшилди. Ёш болалар билан ёшликка қайтдими ё бадантарбиянинг фойдаси тегдими, ҳартугул Дамин бобо дарддан фориғ топди. Аввал-аввал уни масхара қилиб юрган қўни-қўшнилар ҳам жимиб қолишди. Ҳозир кампири айтганидек, бобонинг ростдан ҳам кучи кўпайганми, ҳар ҳолда, тенгқўр чоллар орасида анча тетиги ва илдами шу киши.

Я. КОМИЛОВ.

● 1 ОКТЯБРЬ — ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ

Жамиятнинг кексайиш муаммоси

Кекса бир мўйсафид «қарилик гаштини сурмоқда» деган иборага эътироз билдирганди. «Бирон ишга ярамай қолсанг, касалликлар таъқиб қилаверса, шу ҳам гашт бўлди-ю», қабилида гап қилганди. Қайсидир маънода унинг гапларига қўшилдик. Ахир, шоир «дард ёмони қариликдир, ёронлар», деганда ҳақ эди. «Гашт» деганда эса бола-чақани уйлижойли қилиб, бир этак невара-чеваралар ардоғида бўлиш, фарзандлар роҳатини кўриш назарда тутилган. Ҳар ҳолда, кексайганда яқинлар меҳридан узилиб қолишдан ўзи асрасин. Атрофдагиларнинг эътибори, муруввати қарилик фаслининг юкини бир оз енгиллатади-да.



Ўн йил муқаддам БМТ Бош Ассамблеяси 45/106 резолюциясини қабул қилди. Бунга кўра, 1 октябрь — Халқаро қариялар куни, деб эълон қилинди. Ҳар бир халқаро санани белгилаш унинг замиридаги муаммоларга ҳам боғлиқ. Тилга олинаётган бу сана ҳам қарилик муаммосининг глобал характер касб этгани билан боғлиқ. Ҳа, ўтган аср охирларида мутахассислар. демографларни қариликнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ўйлашга мажбур этади. 1982 йилда Венада мазкур масала юзасидан йиғилиш бўлиб, халқаро ҳаракат режаси қабул қилинди. Унда бандлик, пенсия таъминоти, маориф ва ижтимоий таъминот борасида муҳим ишлар олиб бориш тавсия этилди.

1991 йилда Бош Ассамблея БМТнинг қарияларга таллуқли тамойилларини белгилади. Уларда мустақиллик, ҳамдардлик, парваришга эҳтиёж, мустақил ҳал этиш ва кекса авлодга хос ҳурмат-эътибор кўзда тутилган. Орадан бир йил ўтиб, қарилик муаммолари бўйича халқаро конференция бўлди. Унда декларация қабул қилиниб, 1999 йил Халқаро қариялар йили, дея эълон қилинди. Халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган ишларнинг қисқача баёни шундан иборат.

Хўш, нега кексалар муаммоларига жаҳон ҳамжамияти эътибор қаратаяпти? Айтиб ўтиш жоизки, сўнгги 50 йил давомида дунёда ўртача умр кўриш даражаси 20 ёшга узайди. Бунинг устига турли мамлакатларда кексайиш турлича кечмоқда. Умуман, кексайиш турлича янгиянги муаммоларни келтириб чиқараяпти. Бунга ҳали мақола давомида тўхталамиз.

БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб сайёрамиздаги ҳар беш кишидан бири 60 ёшдан катта бўлиши кутиляпти. 85 ёш ва ундан кексалар эса олти баробарга ортаркан. Ҳаттоё Япония, Германия ва Италия каби ривожланган мамлакатларда бу даврга бориб аҳолининг 40 фоизга яқини кексаларни ташкил этиши мумкин. Ўтган аср охирида эса Англияда аҳолининг 15,75, Германияда 14,95, Францияда 14,50, АҚШда 12,60, Японияда 12,55 фоизи кексалардан иборат эди. Аҳолининг, жамиятнинг кексайиши иккита омил билан ўлчанади. Аввало туғилиш қисқариб бораяпти. Иккинчидан, ўртача умр кўриш даражаси ошмоқда. Европа иттифоқига аъзо 15 та мамлакатда 15 фоиз аҳоли 65 ёш ва ундан кекса ҳисобланади. Рақамлар тили билан айтганда, 60 миллионга яқин киши, дегани бу. Агар ушбу мезон билан ўлчанганда Ирландия энг «ёш» (аҳолининг 11,5 фоизи кексалар), Швеция (аҳолининг 17,5 фоизи кексалар) энг «кекса» мамлакат сирасига киради. Хўш, бунинг нима ёмон томони бор? Кельн университети иқтисодчи-демографи Фельдерерннг тадқиқоти 2030—2035 йилларга бориб Германияда пенсия бадали маошнинг 30 фоизини ташкил этишини кўрсатаяпти. Англиялик демограф Палмер эса аҳолининг кексайиши даромади кам инсонларни кўпайтиришини таъкидламоқда. Энди мазкур муаммонинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини кўриб чиқайлик. Жамиятда кексаларнинг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини сусайтиради. Табиийки, ёшларнинг иқтисоднётдаги улуши камаяди. Геронтология муассасаларини кўпайтириш эҳтиёжи пайдо бўлишини ҳам айтиш лозим. Кексалар эҳтиёжига кўра ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини мослаш керак.

БМТнинг маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб дунёда кексалар 1 миллиард 100 миллионга етиши мумкин. Буни 1975 йил билан солиштирганда, 50 йилда кўрсаткич 224 фоизга ортаркан. Мана, энди англаб етгандирсиз, мазкур масалага бежиз эътибор қаратилмаётганига. Кексайиш билан боғлиқ муаммодан ҳам кўра кексаларни эзаётган муаммоларга елка тутайлик.

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Ижтимоий фаоллигингиз ошиб, юзага келган вазиятни бошқара олиш, унга таъсир кўрсатиш имконига эга бўласиз. Атрофдагилар, сафдошлар фикрига эътибор беринг, улар билан бамаслаҳат иш олиб боринг, акс ҳолда баҳс-мунозаралар келиб чиқиши мумкин. Дам олиш кунида оила ишлари билан шуғулланинг.

БУЗОҚ. Сизни жуда фойдали лойиҳада иштирок этишга таклиф қилишлари мумкин. Яхшиси, кўп ўйламасдан рози бўлинг, акс ҳолда омад юз ўгириши мумкин. Бу борада фаол ҳаракат қилинг. Ҳозирча жиддий ва муҳим тадбирларни режалаштирманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида барча ишларингиз осон ҳал бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада сиз ўта интизомли ва пунктуал (бир сўзли) бўлишингиз зарур. Шунда кўпгина муаммоларингизни муваффақиятли ва фойдали ҳал этиб, дадил олга боришингиз мумкин. Режалар ва ғояларни амалга ошириш учун кўпгина имкониятлар пайдо бўлади. Ташаббускорлик ва ишчанлигингиз муносиб баҳога сазовор бўлади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Сизни ижодий кўтаринкилик ва командирлар билан мувофиқлаштиришни талаб қилувчи муаммоли вазифаларнинг кутилмаганда муваффақиятли тарзда ҳал этилиши кутмоқда. Сиз одатдагидан кўпроқ мулоқотда бўласиз. Сафдошларингиз сизни қўллаб-қувватлашади. Камтаринлик энг яхши жиҳатингиз бўлиб, хизматда камчиликларга йўл қўймасликда ёрдам беради.

АРСЛОН. Ҳаёт тарзингиз аста-секин ўзгара бошлайди, тақдир сизга бир қанча имкониятлар ҳадя этади, ўзингиз учун энг қулайини танлаб олишингиз зарур. Ўзига ўта ишонувчанлик сирли душманингизга айланиши ва режаларингизни амалга оширишда ҳалал бериши мумкин. Муаммоларни ажойиб тарзда ҳал этиб олишга эришасиз.

ПАРИЗОД. Ушбу қулай давр лавозим борасида сизга янги имкониятлар тақдим этади, фақат бундан тўла фойдаланиш ва фаол меҳнат қилиш зарур, шунда натижалар сиз кутгандан ҳам знёда бўлади. Касбий фаоллигингиз юқори даражага кўтарилади, иш борасида янги истиқболли таклифлар пайдо бўлади.

ТАРОЗУ. Хизмат вазифалари борасидаги мулоқот ва янги лойиҳалар кўп вақтингизни эгаллайди. Бу сиздан аниқ ҳаракатлар режасини тузиш ва унга амал қилишни талаб этади, акс ҳолда кучингизни тўғри тақсимлай олмаслигингиз мумкин. Очиқлигингиз ва қизиқувчанлигингиз муҳим учрашувга сабаб бўлади.

ЧАЁН. Соғлом фикрлаш ва ҳушёрлик сизнинг энг яхши йўлдошингиз бўлади. Муаммони ҳал этишга ноанъанавий ёндошув ижобий натижалар келтиради. Яқинларингиз билан баҳслашувга бормасликка, кераксиз суҳбатлардан узоқроқда бўлишга ҳаракат қилинг. Ўз фикр ва ҳиссиётларингизни тартибга келтириб олинг.

ЎҚОТАР. Бу ҳафтада самарали ишлашга эришасиз, жамоадаги ўзгаришлар эса нафақат хизмат бўйича кўтарилиш, шунингдек масъулият ҳам олиб келади. Режаларингиз муваффақиятли амалга оша бошлайди, аммо ҳафта ўртасида бир оз тўхталиш ҳам бўлиши мумкин. Дам олиш кунлари саёҳатга чиқиш тавсия этилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Сиз бўлиши мумкин бўлмаган ишни амалга оширишингиз мумкин, аммо олдин ўйлаб кўринг — шу ишни қилиш тўғримикан? Ҳафта ижобий натижалар келтириши учун барча муҳим ишларни ҳафтанинг иккинчи ярмига режалаштиринг. Сафдошлар ва атрофдагилар сизга ёрдам беришади ва қўллаб-қувватлашади.

ҚОВҒА. Ушбу бурж вакиллари бу ҳафтада айниқса хаёлпарастликка берилишади. Сизга эҳтиётқорлик зарар қилмайди, чунки орзуларингиз амалга оша бошлаши мумкин. Диққатингизни энг муҳим ишга қаратинг, шунда кўп нарсаларга улгурасиз. Сиз билан содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар дўстлар ёрдамида ҳар қандай руҳий тўсиқларни енгиш мумкинлигини исботлайди.

БАЛИҚ. Қандай иш билан шуғулланманг, ишончли шериклар билан ҳамкорликда ҳаракат қилинг. Бир ўзингиз кўп нарсага эришишингиз қийин. Ҳафта ўртасида баъзи келишмовчиликлар бўлиши мумкин, аммо сиз уларни тинч ва муваффақиятли ҳал қилишга эришасиз. Ишни кенгайтириш ёки фойдали харид қилиш имконияти юзага келади.

● В ТВОРЧЕСКИХ МАСТЕРСКИХ

ПЕВЕЦ ВОСТОЧНОЙ КРАСОТЫ

Необыкновенный дар — создавать людям праздник души — отражает творчество молодого живописца Шавката Музаффара Оглы Тураева.

Шавкат — художник необычный. Он певец восточной красоты. Его произведения отражают самобытность народа, особое мировосприятие окружающего.

До занятий живописью Шавкат печатался в детском журнале «Гунча», работал в книжной графике, занимался карикатурой (был даже популярным карикатуристом), но для себя изучал и центральноазиатскую миниатюру. Работа в графике позволила уяснить условность художественного языка, в карикатуре — умение видеть главное, передать характерное. Миниатюра научила строить композиции по законам плоскостно-декоративного видения и цветовой гармонии. Накопленный опыт и чувства художника постепенно стали реализовываться в творчестве.

В этом году состоялась персональная выставка художника, на который было представлено немало новых интересных работ. В светлой пастельной гамме написаны картины «Канатоходец», «Зов к спасению», «Вестник истины», «Юсуф и Зулейха», «Синяя птица», «Пора любви» и другие. Они звучат пророческим откровением и лучезарной светоносностью. Их овевает и тихая лирическая грусть, и особая красота Востока.

С интересом зрители ознакомились с картинами «Тюльпаны» и «Розы». В первой — семь, белоснежных тюльпанов олицетворяют чистоту и светлое счастье, во второй — нежную любовь.

Уводят в историю картины «Небесный волк с лулькой», «Сказки Енисея». Эти работы, как и многие другие произведения Шавката, символичны по цвету и композиции, написаны в стиле национальной миниатюрной живописи и построены на чувственных ассоциациях. Молодой художник тонко стилизует образы, используя метод символико-метафорического иносказания.

— Шавкат был в нашем подразделении на творческой встрече, — рассказывает младший сержант по контракту М. Эшанкулов. — Он считает, что быть художником — значит верить в жизнь. Это хорошо сказано и вселяет надежду. Порой легкая, добрая улыбка и гротеск пропитывают его искусство и побуждают к особому видению мира и человека в нем.

Живописец также создает пейзажи, сценки народной жизни и т. д. Особым биографическим откровением звучит полотно «Скакун жизни». Оно изображает изящного, словно парящего в небе, скакуна, символизирующего искусство и сидящего в колеснице в виде летящей птицы и управляющего им творца. Картина иносказательно отражает творческий путь автора произведений, его светлую, но подчас нелегкую дорогу.

В графической манере художник рисует и пишет портреты знакомых, друзей. Каждому портретному образу свойственны свои психологические и индивидуальные определения, точные, выразительные характеристики.

Картины художника написаны в сдержанной цветовой гамме, скупыми средствами выражения. Но они покоряют нежной, пастельной манерой исполнения, прозрачной чистотой и одухотворенностью, мечтой о прекрасном.

Шавкат Музаффар Оглы Тураев в постоянном поиске. В его произведениях органически сочетаются национальные и общечеловеческие ценности. Они своей торжественной красотой и светлой любовью радуют каждого из нас. И с его творчеством полезно ознакомиться воинам наших Вооруженных Сил.

Б. СЕРГЕЕВ.

КИНОПРЕМЬЕРА В МАЗАРИ-ШАРИФЕ

В Афганистане теперь не только смотрят, но и снимают кинофильмы. Премьера художественной ленты «Тучи», снятой афганскими кинематографистами при поддержке и участии узбекских коллег, прошла в клубе Балхского университета.

Перед собравшимися здесь студентами и преподавателями, представителями органов власти и политических партий выступил режиссер фильма Обиди. Свое выступление он начал с благодарности Узбекистану, «без которого не было бы этой картины». Особую благодарность выразил режиссер узбекским актерам, снимавшимся в фильме.

Действие ленты переносит зрителя в недавнее прошлое, в Афганистан под властью талибов. Немало страданий и приключений переживают ее герои, пока не обретают приют и счастье «на той стороне реки». Хотя страна не называется, но легко догадаться, что речь идет об Узбекистане. С большой симпатией выведены здесь образы пограничников, врачей и журналистов «за рекой», временами даже отсутствует перевод их реплик с узбекского.

Зал много раз взрывался аплодисментами во время показа, а когда зажегся свет, у многих на глазах были слезы.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
ИА «Жахон».

ҲИКМАТЛАР

● Билимдан қудратлироқ куч йўқ; билим билан қуролланган одам енгилмасдир.

● Яхши яшамоқ учун яхши ишламоқ зарур, шу заминда дадил турмоқ учун кўп билмоқлик даркор.

● Ўқиш, ўрганишда марди майдон бўл! Сенинг қадр-қимматинг — ўз имкониятларингдан тўла фойдаланиб, билим олишингда. Эр кишининг иззати, шаъни — текинхўр, ҳамтовоқ бўлмасликда.

● Билимсизликдан ҳеч қачон мақтанмаслик керак: билимсизлик — ожизликдир.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Марказий ва Жанубий Африкага мансуб туб аҳоли. 4. Қурилма қисмини маҳкамловчи, резбали мослама. 6. Иккала қўлни сувдан чиқармай спортча сузиш усули. 9. Қадимда Ғарбий Европа шаҳарларида бошқариш органи. 10. Силикатлар гуруҳига мансуб, тоғ жинслари ҳосил қилувчи маъдан. 11. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмаси қаҳрамони. 18. Енувчи газ. 20. Байрам олди куни. 21. Самодаги сув бўғлари. 22. Баъзи мамлакатларда ўз-ўзини идора қилувчи маъмурий-ҳудудий бўлинма. 24. Оёқлари узун бетоқлик қуши. 25. Зигир мойидан ишлаб чиқариладиган сўёқчилик ашёси. 30. Электровакуум техникасида ишлатиладиган инерт газ. 31. «Калила ва Димна» асарини форс тилидан ўзбек тилига ўгирган ўзбек шоири, арабшунос, хаттот. 32. Юлдуз туркуми. 33. Алишер Навоийнинг шоҳ асари. 34. Саҳна асари.

БУЙИГА: 1. Франциянинг Гаронна дарёси бўйидаги порт шаҳри. 2. Ит ёки бўғу қўшиладиган шимол чанаси. 3. Бинокор. 4. Сайр-томоша, завқ. 5. Мусиқий асар тури. 6. Ўзбек шоири, қатағон йиллари қурбони. 7. Галоидлар оиласига мансуб кимёвий элемент. 8. Енгил автомобиль кузови тури. 12. Иссиқлик ҳарорати. 13. Бирор вазифани бажаришдаги ғайрат. 14. Дунё томони. 15. Сут эмизувчи ҳайвонлар мажмуи. 16. Жанубий Африка Республикаси ёзувчиси. 17. Хўл-мева. 18. Сицилия оролидаги ҳаракатдаги вулқон. 19. Қўшалоқ шох. 22. Болгариянинг Стара-Планина тоғларидаги довон. 23. Ҳарбий хизматчи. 26. Ит зоти. 27. Турдош корхоналар бирлашмаси. 28. Европа қитъасига мансуб миллат. 29. Қўрқмас, танти инсон.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 115-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 4. Равиш. 5. Чанги. 9. Каги. 10. Эшик. 12. Саваги. 14. Балатон. 15. Насаб. 18. Киров. 22. Шекспир. 23. Назария. 24. Осиё. 25. Лира. 27. Мовут. 28. Аҳком.

БУЙИГА: 1. Пингвин. 2. Масштаб. 7. Анбар. 8. Аймоқ. 9. Кран. 11. Крат. 13. Чайир. 14. Батон. 16. Дебют. 17. Осло. 18. Қидирув. 19. Валиаҳд. 20. Кама. 21. Лимит.

РАҚАМ АТРОФИГА БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 3. Империал. 6. Диафильм. 26. Ваттметр. 29. Манометр.

ШАКЛ АТРОФИГА ЗАНЖИР ҲОЛИДА: 29. Оташ. 30. Штаб. 31. Бюст. 32. Такт. 33. Того. 34. Опал. 35. Лафз. 36. Зарб. 37. Бўри. 38. Ироқ. 39. Қува. 40. Адам. 41. Мурч. 42. Чуст. 43. Тинч. 44. Чўян. 45. Ноёб. 46. Бўрк. 47. Курс. 48. Сато. 49. Очко. 50. Охра. 51. Атом. 52. Мато.

● ОБУНА—2005

Ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида

Ҳуқуқий демократик жамият қуриш сари дадил одимлаб борар эканмиз, қонунларни яхши билишимиз, бурчимизни англашимиз даркор. Ҳуқуқий маданиятимиз шаклланмас экан, олдимизга қўйилган улуғвор мақсадларимизга эришиш қийин кечади. Бироқ, биз бугун суверен, ҳуқуқий-демократик давлат қураётган эканмиз, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни тўлақонли идрок этишимиз, унга оғишмай амал қилишимиз давр талаби, ҳаётий зарурат бўлиб бормоқда. Зеро, ҳуқуқий билими, тафаккур савияси саёз фуқароларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ўз фаолиятида камчилик сезиши, у ёки бу масалада нуқсонга йўл қўйиши табиий.

Она-Ватанимиз — Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, истиқлол меваси сифатида қўплаб матбуот нашрлар бўй кўрсатди. Уларнинг барчаси ўз йўналишлари бўйича ҳаёт кўзгуси бўлиш борасида баҳоли қудрат фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий судида нашр этилаётган газета-журналлар ҳам бундан мустасно эмас.

Олий суднинг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси» журнали ва «Куч — адолатда» газетасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг Фармонлари, Республика Ҳукуматининг Қарорлари, янги қонунларга шарҳлар, Олий суд Пленум Қарорлари, шунингдек, суд ҳужжатлари, суд ҳаётидан олинган мисоллар, суд очерклари, давлат ва жамият арбобларининг мақолалари, суҳбатлари мунтазам чоп этилади.

Ушбу ҳуқуқий мавзуда материаллар чоп этаётган нашрлар хусусида алоҳида фикр юритсак, уларни шахсий таркиб, хусусан суд ва прокуратура ходимлари, олий-ҳарбий билим юртлари, командирлар ва уларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарларининг иш фаолиятларида йўл-йўриқ кўрсатувчи зарур қўлланма бўлади.

Юқорида зикр этилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Олий суднинг нашрларига 2005 йил учун обуна бошланганлигини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси» журнали ва «Куч — адолатда» газетасига обуна бўлишингизни тавсия этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси ва «Куч адолатда» газетаси Бирлашган таҳририяти алоҳида юридик шахс сифатида ўз фаолиятини бошлаганлиги ва банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлганлиги сабабли 2005 йил учун обуна таҳririятнинг қуйидаги реквизитлари орқали амалга оширилишини маълум қиламиз.

Таҳririят реквизитлари: «Уйжойжамғармабанк» меҳнат филиали (МФО 00423) Х/Р 20210000004331043001 СТИР 204983842.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси ҳар чоракда бир марта, рангли-безакли, 64-саҳифада чоп этилади (бир йилда тўртта сон).

№	Ахборотнома	Бир донаси (сўм)	Бир йиллик (сўм)	Обуна индекси
1.	Юридик шахслар учун	2000	8000	837
2.	Жисмоний шахслар учун	3000	12000	838

«Куч-адолатда» газетаси ҳар ойда икки марта, рангли-безакли, 8 саҳифада чоп этилади (бир йилда йигирма тўртта сон).

№	Газета	Бир донаси (сўм)	Бир йиллик (сўм)	Обуна индекси
1.	Жисмоний шахслар учун	250	6000	574
2.	Юридик шахслар учун	400	9600	575

Юқорида зикр этилган нашрларнинг индекси, обуна баҳоси почта каталогларида ҳам кўрсатилган, қўшимча маълумот олиш учун Тошкент ш., 700186, А. Қодирий кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Олий суди нашриёт бўлими, тел.: 132-23-44 орқали мурожаат қилиб чоп этилаётган нашрларни олиб туриш масаласини ҳал этиш мумкин.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-08-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; социология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳririят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳririятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Адади 17840. Буюртма № 0322.